

Ҳаё

ЯХШИЛИКНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИ

“Мусо алайҳиссалом мадьянлик қизнинг маҳри учун нега ўн йил ишлаб берган эканлар?” деб ўйлардим. Кейинчалик бунинг сабабини Қуръони каримдаги “...**Бири ҳаё билан юриб келиб...**” оятидан топдим.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Бас, икки (қиз)дан бири ҳаё билан юриб келиб: “Отам сени бизларга суғориб берганинг ажрини бериш учун чақирмоқда”, деди (Қасас сураси, 25-оят).**

Мусо алайҳиссалом Фиръавндан қочиб, Мадьяндаги бир қудуқ олдига келганида икки қизни кўриб қолди. Одамлар қўй ва молларини суғорар, улар эса бир четда тортиниб туришар эди. Мусо алайҳиссалом уларнинг қўйларини суғориб берди. Сўнгра бир четдаги соя жойга бориб ўтирди-да: **“Ё Раббим! Мен учун нима яхшилик (ризқ) туширсанг, ўшанга муҳтождирман” (Қасас сураси, 24-оят),** деди.

Қизлар ҳар кунгидан барвақт қайтгач, оталари сўради:

– Бугун эртароқ қайтдингларми?

Қизлари:

– Бир солиҳ йигит қўйларимизни суғориб берди, – дейишди.

Оталари:

– У йигитнинг бирор гапини эшитдингизми? – деди.

– Унинг **“Ё Раббим! Мен учун нима яхшилик (ризқ) туширсанг, ўшанга муҳтождирман” (Қасас сураси, 24-оят),** деганини эшитдик, – дейишди.

Оталари:

– Оч бўлса керак, уни чақириб келинг, меҳмон қилайлик... – деди.

Улардан бири ҳаё билан юриб келиб, Мусо алайҳиссаломга деди:

– Отам сизни чақиряптилар.

Мусо алайҳиссалом бундан безовта бўлди. Чунки саҳрода қувғин бўлиб юрган кунлари эди.

– Менга йўл кўрсатиб бор, – деди.

Уйга етиб боргач, кўрдик, дастурхонга овқат қўйилган. Қизларнинг отаси Шуайб алайҳиссалом:

– Эй йигит, овқатдан егин! – деди.

– Мен динини Ер юзи баробар олтинга ҳам сотмайдиган оиладанман, – деди Мусо алайҳиссалом. (Яхшиликда холис бўлиш, уни моддий нарсаларга алмаштирмаслик ҳақида сўз боряпти.)

Шуайб алайҳиссалом:

– Йўқ! Аллоҳга қасам, мен бунинг учун чақирмадим, таом едириш ва меҳмонни ҳурмат қилиш ота-боболаримдан қолган ода-тимдир, – деди.

Шундан сўнг Мусо алайҳиссалом овқатдан еди.

Мусо алайҳиссалом уй эгасига бошидан ўтган қиссани гапириб берди.

Шуайб алайҳиссалом унга ўн йил қўй боқиб берса, қизларидан бирини никоҳлаб беришини айтди. Мусо алайҳиссалом мана шу ҳаё учун ўн йил ишлаб бериб, у қизга уйланди.

Аллоҳ таоло Қуръонда у қизнинг бўйини, шаклини васф қилмади. Балки ундаги энг қимматбаҳо хислатни, яъни ҳаёсини васф қилди: **“Бас, икки (қиз)дан бири ҳаё билан юриб келиб...”**

Шуайб алайҳиссалом қизларини ҳаё асосида тарбия қилган эди. Аллоҳ у зотни ҳам, қизларини ҳам икром қилди. У зотга куёв бўлиши, қўйларини боқиши учун буюк набийларидан бири Мусо алайҳиссаломни жўнатди.

Демак, қизларнинг ҳаёси асло уларнинг бахтини, ризқини чеклаб қўймайди.

Азиза сингилларим! Ҳаёли бўлинг! Ҳаё сизларга фақат яхшиликларни жалб қилади.

Абдулқодир ПОЛВОНОВ,
“Ургут” жоме масжиди имом ноиби



Мундарижа

Ҳаё яхшилиқни жалб қилади	1
Ушоғи ҳам нон.....	3
Аёлини тарбиялаш	
эрнинг синовидир.....	4
Чақимчининг тили оловданми?	6
Муносиб “жазо”	7
Аёлларнинг ҳайздаги ҳолатлари	8
Ойша онамизнинг шогирди	9
Зурриётларимиз	
кўзларимизни қувнатсин... ..	10
Ахлоқсизлик билан ахлоқ	
ўргатиб бўлмайди.....	12
Онам мени “отам” дерди... ..	13
Salavot aytang, javob qaytaradilar.....	14
Одоб-ахлоқимиз қандай?.....	15
Она ўз фарзандларига	
мадраса бўлсин.....	16
Қиммат тақинчоқлар кўплиги ҳам	
қурбонликни вожиб қилади	18
Тонгдаги суҳбат	20
Қачон ўнгланамиз?	21
Ҳақ йўлдан адашманг!	22
Шафе айланг, ё Расулulloҳ!.....	23
Иститоат (қудрат, имконият)	
ва тафвиз ҳақида	24
Суюкли амма	26
Миссионерларнинг	
иши юришмайдиган жойлар	27
Ота – жаннат эшиги,	
Она – жаннат василаси.....	28
Ўгай она	30
Орасталикка ўргатайлик	32



Ушоғи ҳам нон

Яқинда кўзим тушган бир маълумот кўлимга қалам олишга ундади. Вилоятларимиздан бирида ҳар куни ахлат қутиларига ташланган нонлар 970 килограммни ташкил қилибди. Фақат биргина вилоятда шунча нон исроф қилинган...



Очиғи, буни ўқиб, жуда ачиндим. Бу ҳолатни 14 та ҳудуд мисолида кўриб чиқсак, қанча бўлади?! Қанчадан-қанча оч, бир бурда нонга зор инсонлар бор бу дунёда. Биз эса тонналаб неъматни чиқиндига “қориштириб” ўтирибмиз!

Отам раҳматли бир воқеани айтиб берганди...

...Сталинград остонасида бўлган жанглар, қамал, уруш, озиқ-овқатлар узилган... нон умуман йўқ. Отам ўша жангларда иштирок этган. Кўшинлар ўрмонга чекинишибди. Шаҳарни эса, немис фашистлари қуршаб олган. Бир куни рота командири 4–5 аскарни шаҳарга юбориб, душманнинг озиқ-овқат захираларини аниқлашни буюради. Аскарлар омборни аниқлашолмасда, қари бир отахондан фашистларнинг озиқ-овқат ортилган машиналари қачон келишини аниқлашади. Режа тузиб, бир-икки немис тилини биладиган аскарлар Гитлер армияси кийимида, йўлига чиқиб сўнгги машинани қўлга олишади. Машина тўла нон экан. Машина

бўшатилгач, қарасалар, нон ушоқлари тўкилган. Икки аскар барча ушоқларни йиғиб, кийимларининг барча чўнтаklarини тўлдиришади, бир ҳафта мобайнида шу ушоқлар билан қорин тўйдиришади.

Бугунги тинчлик, фаровонлик ва тўкинлик бизга оғир дамларни унуттирди. Бугун ахлат қутилари, минг афсус, суви қочган нонлар билан тўла.

Бу исроф, аввало, Аллоҳ ато этган неъматнинг қадрига етмаслик, шу бурда нонни етиштирган қанчадан-қанча инсонлар меҳнатига ҳурматсизлик эмасми?!

Доно ҳалқимизда бир нақл бор: “Ким нимани хор қилса, шунга зор бўлади”. Мен бугунги ҳаёт тарзимизга боқиб, тафаккур қилар эканман, тилимга: “Аллоҳ, Ўзинг асра!” деган дуо-илтижо келади.

Ҳар бир нарсанинг қадрига етиб, тўйларимиз, маросимларимизни ихчам тарзда ўтказишимиз кераклигини ҳали жуда кўп таъкидлашимиз зарур.

Бир куни бир таъзия ма-

росимига 85 ёшли онахонни олиб келишди. Ҳурмат кўрсатиб тўрга ўтказилгач, кимдир онахонга қулайлик бўлсин деб оёғингизни узатиб ўтиринг, дея таклиф берди. Шунда онахоннинг айтган гаплари қулоқларимга муҳрланди: «Нималар деяпсиз, болажонларим? Ахир дастурхонда нон турибди-я. Сизлар у кунларни кўрмагансизлар, кўрманглар ҳам. Уруш очарчилигини биз кўрдик. Оч қолганидан кунжара еб, шишиб ўлганлар қанча бўлди... Ота-боболаримиз доим бизга: “Қуръони карим бор уйда оёғингни узатиб ётма. Ноннинг ушоғини ҳам босма, хор қилма деб» уқтиришарди».

Онахоннинг бу сўзлари барчага етиб боришини, тарихнинг бизга аччиқ сабоқлари, бебаҳо ўғитларини ёшларимиз кўпроқ ўрганиб, амал қилишларини истардим.

Мавлуда ФАЙЗИЕВА,
Бухоро тумани “Работак” маҳалласи
отинойиси

АЁЛИНИ ТАРБИЯЛАШ ЭРНИНГ СИНОВИДИР

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه و سلم:
« استوصوا بالنساء، فإن المرأة خلقت من ضلع، وإن أعوج شيء في الضلع أعلاه،
فإن ذهبت تقيمه كسرته، وإن تركته لم يزل أعوج، فاستوصوا بالنساء ».

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Аёлларга доимо яхшилик қилинг! Чунки улар қовурғадан яратилган. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир. Агар уни тўғрилайман деб уринсанг, синдирасан. Агар уни тек қўйсанг, эгрилиги бўйича қолур. Бас, аёлларга доимо яхшилик қилинг!”** дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ҳеч бир дин аёлнинг шаънини Исломчалик қадрламаган. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари Ислом келгач, чинакам маънода таъминланди. Қуръони каримда эрларга: **“Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз!”** (Нисо сураси, 4-оят); **“Улар билан тоғув турмуш кечирингиз”** (Нисо сураси, 19-оят) каби буйруқлар, шу билан бирга, ҳадиси шарифларда баён этилган **“Аёлларга доимо яхшилик қилинг”** набавий таълимот аёлларни эъзозлашга амр этади.

Мазкур ҳадиси шариф аёл кишининг эри зиммасидаги ҳақларини эслатади. Айбсиз инсон йўқ, шу жумладан, аёллардан ҳам хатолар содир бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло аёлни ўзига хос табиат билан яратган. У хотин бўлиши, она бўлиши ва бу вазифаларга доир масъулиятларни адо этиши лозим. Шу боис

унда тез ва таъсирли меҳр кўрсатиш қобилияти бўлиши зарур. Бунинг акси ўлароқ, унда тез аччиқланиш ва оғир нарсани кўтара олмаслик сифати ҳам юзага чиқиб туради.

Кўплаб эркаклар бардош бера олмайдиган машаққатларга, заифа бўлишига қарамасдан, аёл киши чидаши, сабр қилиши мумкин. Аммо аёл гоҳо фитратига хос бўлмаган қийинчилик, салгина кўпол муомала, бир оғиз ноқулай сўзни аёл кўтара олмайдиган вазиятга тушади. Эр ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда хотинига яхши муомалада бўлиши лозим.

Шу боис Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу ҳадисда: **“Аёлларга доимо яхшилик қилинг!”** демоқдалар.

Халқимизда: «Аёл киши – яхши сўзининг гадоси», деган гап бор. Бундан хотин-қизларга доимо яхши муносабатда





бўлиш тушунилади. Чунки аёл кишининг заиф, нозик табиати шуни тақозо этади.

“Чунки улар қовурғадан яратилгандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир...” Бу ўринда Ҳавво онамиз Одам алайҳиссаломнинг қовурғаларидан яратилганига ишора қилинмоқда. Қовурға эгри бўлади, унинг энг эгри жойи эса, энг юқори қисмидир. Аёл кишининг хаёлига тез-тез турли ўзига хос фикрлар келиб туриши ва ундан ҳар хил ишлар содир бўлиб туриши шундан. Бу ҳолат табиий.

Аёлдан содир бўлган ҳар бир нарса ни тафтиш қилиш, бошқача бўлишини ундан талаб қилиш яхши эмас. Балки аёл табиатига хос нарсаларга кўз юмиб, унинг хатти-ҳаракатларига сабр қилиш зарур. Шундагина оилада уруш-жанжаллар камаяди, оила бошлиқлари боши берк кўчага кириб қолишмайди.

Ҳадиси шарифда таъкидланиб: **“... уни тўғрилайман, деб уринсанг, син-**

дирасан”, дейилган. Аёлда содир бўлган ҳар бир эгриликни тўғрилаш учун уриниш натижа бермайди. Баъзан бу иш оиланинг пароканда бўлишига олиб боради. Шунинг учун ҳам бошқа бир хабарда **“уни синдиришинг – талоқ қилишингдир”**, дейилган.

Аёлдан одоб-ахлоқда, шахсий муомилада, феълида нуқсонлар содир бўлса, булардан кўз юмиш мумкин. Бироқ унинг хатти-ҳаракатлари шариат чегарасидан чиқиб кетса, уни дарҳол тузатиш керак. Ҳадисда яхшилик қилинг дейилган-ку, деб индамай қўйиш ёмон оқибатларга олиб келади.

Хуллас, мутафаккир боболаримиз айтганларидек, эр бир умр аёлини тарбиялаш билан синалади. Шундай экан, бу синовда оят ва ҳадисларда келган пурҳикмат ўғитларга амал қилиб яшаш энг тўғри йўлдир.

Манбалар асосида
Қибрай тумани бош имом-хатиби
Миродил МИРЖАЛИЛОВ тайёрлади.

Деярли ҳар куни эринмай онасига келинлик уйидаги гап-сўзларни етказиб турган, кўча-кўйда қайнона-қайнотасини обрўсизлантириб, овсини билан аразлашганини сўзлаб, ака-ука ўртасига низо солаётган келинлар, афсуски, ҳамон учрамоқда. Афсуски, ажримлар сабабининг айримларида келинларнинг чақимчилиги масаласи кўтарилмоқда.

Аслида чақимчилик иллоти илдиз отишида ўзимиз айбдормиз. Ч у н к и ёшларимизни кичиклигида ёқ чақимчи қилиб қўймоқдамиз. Масалан, мактабда устозининг танбеҳидан шикоят қилганда, муаллимни малакаси йўқликда, таълим бера олмасликда айблаймиз. Таълим-тарбия тизимида малакали устозга эмас, ёлғон гапириши мумкин бўлган болага ишонамиз.

Айрим оналар: “Оқ ювиб, оқ тараб катта қилдим. Фарзандимга танбеҳ беришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ”, деган ўйда қизини янги хонадонга кузатади. Кейин уйидаги гап-сўзларни айтишини талаб қилади. Бундай қилмаганда ҳам тўхтамайди. Ҳатто қизининг бир умрлик манзилига бориб тортишишдан қайтмайди. Ҳар бир оиланинг ички тартиби борлигини, қолаверса, орада гап-сўз ўтмайдиган хонадон йўқлиги билан ҳисоблашмайди.

Чақимчи келин сабаб маҳаллада ҳурматини йўқотади. Гап-сўзларидан кейин бошқа чақимчилар қайнонага келинни рост-ёлғон аралаштириб ёмонлашади. Натижада оиладаги низолар катталлашиб, муносабатларга дарз кетади. Жараён борган сари ёмонлашаверади.

Неча асрдирки ғийбатчилик, чақимчилик ортидан келадиغان зиёнлар камаймаган. Шундай экан, фарзандларимизни тарбиялашда динимиз таълимотига қатъий риоя қилиш керак. Ислом динида чақимчилик қаттиқ қораланади: **“Итоат қилма! Ҳар бир қасамхўр, пасткашга. Айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига”** (Қалам сураси, 10–11-оятлар). Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимнинг бу дунёда иккита юзи бўлса, қиёмат кунинда унинг оловдан иккита**

тили бўлади”, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти). Яъни, у чўғ-оловни юттириш билан азобланади.

Кўзида ёш билан келган қизига сабрни насихат қиладиган гўзал хулқли оналар ҳам кўп. Ана шундай аёллардан бири билан ҳамсуҳбат бўлдим. Айтишича, қудаси қизини ёқтирмасдан келин қилган, шу сабаб унга кўп зуғум ўтказган. Аёл фарзандини қайнонасининг кўнглини топа олмасликда айблайди. Кейин ёлғон бўлса-да, қудасига қизи уларни мақтаб келганини бот-бот айтади. Натижада қайнона-келин иноқлашиб кетади.

Фарзандининг озорланишини кўриш қанчалик оғир бўлмасин, аёл набираларини ўйлаб, қизининг келажагини ўйлаб шундай қилади.

Хулоса ўрнида, қизларимизни келинликка тайёрлаганда уларнинг фақат сарпо-суруқларига, илм-хунар эгаллашигагина эмас, энг аввало, яхши хулқига эътиборли бўлайлик. Зеро, жамиятда, оилада энг кўп миннатдорлик ва эътироф чиройли тарбия ортидан келади.

Раъно ЗОКИРОВА,
Вобкент тумани отинойиси

Чақимчининг тили оловданми?



Муносиб “жазо”

Бир аёл ўғлига қандай таъсир ўтказганини қуйидагича ҳикоя қилади:

– Кенжа ўғлим бир куни ҳаммининг дилини хуфтон қилибди: синглисини урган, акасини сўккан, опасини ғазаблантирган...

Ўйга қайтганимда ундан шикоят қилишди. Ўғлим эса жавдираб жазолашимни кутиб турарди. Лекин унинг кўзида ҳадик ва қўрқув бор эди. Айни чоғда барча ўзига қарши экани ва ёмон кўраётганини ҳам сезаётганди. Шу ерда сукут билан кифояландим ва: “У билан бироздан сўнг шуғулланаман”, дедим.

Бир соатдан сўнг ўғлим билан бозорга йўл олдик. Йўл-йўлакай унга ётиғи билан: “Кўрқма, сен ақлли боласан-ку. Бу ишни иккинчи бор қилмагин!” деб тушунтирдим. Бу ишим ўғлимни ҳайратда қолдирди, уни кечиримни кутмаганди. Бундай ўринларда кечиримнинг ўзгача “мазаси” бўлади. Шунинг учун ўғлим менга: “Сизни яхши кўраман!” деди. У билан “мазлумлар”, яъни опаси, ака-сингиллари ҳақини қайтаришга келишиб олдик. Биргалашиб ўртани қандай ислоҳ қилишни маслаҳатлашдик.

Бир неча кун ўтиб, ўғлим билан қандай касбни танлаши тўғрисида гаплашдик. У ўзига катталардек муносабатда бўлганимиздан жуда хурсанд эди, дарҳақиқат, хулқи ҳам яхши томонга ўзгарди.

Аллоҳтаоло Луқмон сурасида: «(Луқмон яна деди): **“Эй ўғилчам! Шубҳа йўқки, агар хантал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинадиган) бўлса, бас, у (амал) бирор харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани**

ҳам Аллоҳ келтирур. Зеро, Аллоҳ лутфли ва огоҳ Зотдир” (16–17-оятлар), дея марҳамат қилади.

Ҳадиси шарифда эса: **“Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин! Кичикларимизни ҳурмат қилмаган, ёши улуғларимизни қадрламаган биздан эмас”**, дейилади.

Яна бир ҳадисда: **“Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига севимли бўлган икки хислат бор: булар мулойимлик ва вазминликдир”**, дейилган.

Маълум бўладики, биз ота-оналар одатда ёмон иш қилиб қўйган фарзандларимизни ўйлаб ўтирмай жазолаб, қандай яшилиқ қилишни уларга ўргатмаймиз.

Сиз нима дейсиз?!

Араб тилидан Диёрбек АБДУВАҲҲОБ
ўғли таржимаси, Қува тумани

Аёлларнинг ҳайздаги ҳолатлари

Мубтадиа: биринчи марта ҳайз ёки нифос кўраётган аёл.

Балоғатга етиб, биринчи бор қон кўрган қизнинг қони уч кундан ўн кунгача келса, ҳайзда мубтадиа бўлади. Шунингдек, биринчи фарзанддан сўнг нифос қонини кўраётган аёлнинг қони қирқ кунгача давом этса, нифосда мубтадиа ҳисобланади. Ҳайз поклик билан тугайди. Лекин поклик билан бошланмайди.

Қиз бола бир соат қон кўриб, ўн тўрт кун тоза юргач, яна бир соат қон кўрса, қон кўргани биринчи кундан бошлаб ўн кун ҳайз ҳисобланади, ана шу кундаги рўзаларининг қазосини тутати.

Аёлнинг кўзи ёригач, қон келиши тўхтаб, қирқинчи кун охирларида қон кўрса, қирқ куннинг ҳаммаси нифос ҳисобланади. Агар нифоси ўттизинчи куннинг сўнгида тўхтаб, қирқ бешинчи кун ниҳоясига етмасидан яна қон келса, қирқ кун нисоф ҳисобланади. Чунки икки қон ўртасидаги поклик ўн беш кун бўлмаган. Агар қон қирқ беш кун тамомига етгандан кейин қайтса, фақат ўттиз кун нифос деб эътибор қилинади. Чунки кейинги қон ўн беш кундан сўнг келган. Икки қон ўртасидаги поклик ўн беш кун бўлади.

Музоллала ва мутаҳаййара: ҳайз ва нифосдаги одатини унутган аёл.

Ҳар бир аёл ҳайз, нифосдаги одати ҳамда поклик кунларининг ҳисобини, ўрнини ёдда тутиши лозим. Агар аёл одатини унутиб қўйса

ё қони тўхтамай келганда, ўйлаб бир тўхтама келиб, одатини аниқлаб олиши лозим бўлади. Сўнг бир тўхтама келса, унга амал қилади. Агар, шубҳаланиб қолса, бир тўхтама келмаса, эҳтиётан намоз ўқиб, рўза тутати.

“Баҳрур роиқ” китобида айтилади: “Аёл ҳайздан покланганига ишонч ҳосил қилган вақтида ҳар бир намоз вақти учун таҳорат қилиб намоз ўқийди ва рўзасини тутати. Ҳайзи вақти бўлганига ишонч ҳосил қилса, намозни ва рўзани тўхтатади. Агар у поклик ё ҳайз кунлари борасида шубҳа қилса, ўйлаб бир тўхтама келади. Бирор-бир тўхтама келолмаса, ҳар намоз учун таҳорат олади, намозини ўқийди ва рўзасини тутати. Сўнг қазо рўзаларини тугиб беради. Намозининг қазосини ўқимайди.

Агар ҳайз ё поклик вақти ёки ҳайздан пок бўлгани ҳақида шубҳа қилса, ҳар намоз вақтида ғусл қилиб намоз ўқийди. Ҳайз бўлиши эҳтимоли борлиги учун эри унга яқинлик қилмай туради.

*“Ҳайз ва нифос илмидаги олмос тожлар” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи таржимаси*



Ойша онамизнинг ШОГИРДИ

Тўлиқ исми: Амро бинти Абдурраҳмон ибн Саъд Ансорий Нажжорий Маданий. Фақиҳа аёл. **Бобоси:** ансорлар орасида Исломни биринчилардан қабул қилган Саъд ибн Зурора розияллоху анхунинг укаси. **Онаси:** Салама бинти Ҳаким. Холаси: Умму Ҳошим бинти Ҳориса.

Амро бинти Абдурраҳмон Усмон ибн Аффон розияллоху анху халифалиги даврида, ҳижратнинг 29-йили дунёга келди. Отасининг вафотидан сўнг Ойша розияллоху анҳо Амрони ака-ука, опа-сингиллари билан бирга уйига олиб кетди. Барчаси онамизнинг қарамоғида, таълим-тарбиясида вояга етди.

Амро Ойша онамиздан ҳадислар ўрганди. Кейинчалик Абдурраҳмон ибн Ҳориса ибн Нўъмонга турмушга чиқди. Муҳаммад исми фарзанд кўрди.

Амро ихлоси, илмга муҳаббати туфайли ўша даврнинг фақиҳасига айланди. Нафақат Ойша онамиз розияллоху анҳодан, балки Умму Салама, Умму

Ҳишом бинти Ҳориса, Ҳабиба бинти Саҳл ва Умму Ҳабиба розияллоху анхундан таълим олди.

Амро ҳадисларнинг аксариятини Ойша онамиздан ривоят қилди. Набавий суннатнинг улкан илмий захирасини қўлга киритди. Уламолар буни эътироф этишди. Жумладан, Имом Ҳофиз Яхё ибн Муин: “Амро бинти Абдурраҳмон ишончли ҳужжатдир”, деган. Муҳаддис Суфён ибн Уяйна: “Ойша розияллоху анҳо ривоят қилган ҳадисларнинг билимдонлари учтадир: Қосим ибн Муҳаммад Абу Бакр Сиддиқ, Урва ибн Зубайр ва Амро бинти Абдурраҳмон”, деган. Имом Заҳабий: “Олима, фақиҳа эди”, деган.

Халифа Умар ибн Абдулазиз Абу Бакр ибн Муҳаммадга “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳадислари, мансух суннатлар ва Амронинг ҳадисларини топиб ёз. Мен илмнинг, яъни муҳаддисларнинг ўлимидан кўрқаман”, деб мактуб ёзган.

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Муқаддабий отасидан эшитганини айтади: «Али ибн Маданий Амро бинти Абдурраҳмонни зикр қилди ва у билан фахрланиб: “Амро Ойша розияллоху анҳонинг ишончли уламоларидан бири”, деди».

Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насоий ва Ибн Можа каби муҳаддислар Амро розияллоху анҳодан ҳадис ривоят қилишди. Шунингдек, Урва ибн Зубайр, Имом ибн Шихоб Зухрий, Амр ибн Динор кабилар унинг шогирди бўлишган.

Имом Ибн Исҳоқ “Сияр” китобида Амрони “У ақлли ва зукко эди. Мўминлар онасидан кўп илм олди”, деб таърифлаган.

Амро бинти Абдурраҳмон 77 йил умр кўрди. Баъзи манбаларда вафотини ҳижратнинг 98-йили, бошқаларида эса, ҳижратнинг 106-йили дейилган.

Дилфуза РАҲИМОВА
тайёрлади.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
وَالَّذِیْنَ یَقُولُوْنَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ اَزْوَاجِنَا
وَدُرِّیَاتِنَا قُرَّةَ اَعْیْنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِیْنَ اِمَامًا

«Улар: “Эй Раббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувнайдиган нарса ҳадя эт ҳамда бизларни тақводорларга йўлбошчи қил”, дейдиганлардир» (Фурқон сураси, 74-оят).

Зурриётларимиз кўзларимизни қувнатсин...

“Эй Раббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувнайдиган нарса ҳадя эт”, яъни Сенга итоаткор бўлган жуфти ҳалол ва зурриётлар бергин.

“Зурриётларимиздан...” Ояти каримадан зурриёт сўраб дуо қилиш жоизлиги маълум бўлмоқда: “Эй Раббим, менга Ўз ҳузурингдан яхши зурриёт бергин” (Оли Имрон сураси, 38-оят).

“Кўзимиз қувнайдиган...” Яъни, уларни бизга кўз қувончи қилиб бергин. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ушбу ҳадислари каби: “**Ё Аллоҳ, унинг моли ва фарзандини қўпайтир ва уларда унга барака бер**”. Кишининг моли ва зурриётига барака берилса, улар сабабидан кўзи қувнайди. Ушбу дуо шарофати ила аёлида гўзаллик, ифбат, эҳтиёткорлик жам бўлади. Бунинг натижасида эр киши аҳли борасида хотиржамликка эришади. Ҳамда ибодатларни вақтида адо этувчи, дин ва дунё ишларида унга ёрдамчи зурриётларга эга бўлади. Шу неъматларга эга бўлгач, ўзганинг аёли ва фарзандига назар солмайди. Атрофдагиларга ҳавас қилавермайди.

Оятда “қувнайдиган” деб таржима қилганимиз араб тилида “қуррога” сўзи бўлиб, “лозим тутиш” маъносидадир. Ма-

салан, бирор маконни лозим тутиб, унда яшаб қолиш. Яна “совуқ, салқинлик” маъносида ҳам келади. Араблар иссиқдан азият чекиб, салқиндан роҳатланишарди. Шунингдек, қувонч кўз ёши муздек, хафалик ашки эса, иссиқ бўлади. Мана шундан келиб чиқиб: “Аллоҳ кўзингни салқинлатсин (яъни қувнатсин). Душманинг кўзини иситсин (яъни, хафа қилсин)” дейилади.

“Кўзимиз...”. Кўз – инсон жисмидаги энг қиммат жавҳар. Аллоҳ таоло кўзни ўзига хос ҳароратда сақлайди. У тананинг ўртача 36 даража ҳароратидан фарқ қилади. Агар кўз тана ҳароратига етса, ёрилиб кетади. Аллоҳ таоло қудратининг ажойиботларидан яна бири кўз ҳарорати 9, жигар ҳарорати эса 40 даражада бўлишидир. Ваҳоланки, иккиси ҳам бир танада. Шунда “**Кўзимиз қувнайдиган...**” оятининг мазмуни қуйидагича бўлади: “Жуфти ҳалолларимиз сабабидан бизни хурсанд қил”. Бу худди ҳадиси шарифда солиҳа аёлнинг сифати келганидек: “**Мўмин учун Аллоҳ таолога тақвосидан сўнг фойдаланадиган энг яхши нарса солиҳа аёлдир: буюрса, итоат қилади, назар солса, хурсанд қилади, (аёли) устида қасам ичса, қасамини оқлайди, уйда бўлмаганида, аёли иффати ва эрининг молини асрайди**”.



“Кўзимиз қувнайдиган...” Оятнинг яна бир маъноси аёлнинг эри рози бўладиган даражада гўзал хулқли ва одобли бўлишидир. Ана шунда эр бегонага қиё боқмайди. Бу борада Аллоҳ таолонинг сўзи бор: **“Биз улардан баъзи гуруҳларни баҳраманд қилган нарсаларга (ҳавас-ла) назар солма!”** (*Ҳижр сураси, 88-оят*).

Шунингдек, яхшилик, одоб, гўзаллик каби сифатларни фарзандларида кўрса, барча қизиқиш ва орзулари рўёбини кўргани учун ўзгаларга назар солмайди. Шунинг учун мақтаётганларида бундай дейдилар: “Фалончи ҳеч кимга қиё боқмади. Нима сабабдан?” Боиси, у ўзи истаган барча нарсага эга”. Агар кишининг фарзанди шундай бўлса, ота-онасининг дунё ва охиратда роҳатлантиради. Солиҳ фарзанд яхшилигини ота-онасининг ўлими туфайли тўхтатиб қўймайди. Балки вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилишда бардавом бўлади. Иккиси ҳақиқа дуо қилади. Охиратда эса Аллоҳ таоло уларнинг барчасини раҳмати манзилгоҳида жам қилади: **“Ўзлари иймон келтириб, зурриётлари уларга иймон билан эргашганларнинг зурриётларини уларга қўшдик”** (*Тур сураси, 21-оят*). Эрхотин ва фарзандларда буларнинг мужассам бўлиши, Аллоҳ таолонинг ҳадяси, неъматидир.

Шунингдек, зурриётларимиздан Аллоҳ таолонинг шариатига амал қиладиган, унинг чегарасидан чиқмайдиган, бизларга тоқатимиздан ташқари сўз ёки феъл тақлиф қилмайдиган авлодни чиқар. Аксинча, фарзанд юқоридаги кўринишнинг хилофида келса, ота-онасига катта мусибат бўлади. Кўпинча киши ўзига-ўзи турли гуноҳларни ортттиради. Аллоҳ таолонинг ҳақларига бепарволик қилади. Шундай бўлса-да, боласи у қилган ишни бажарса, хафа бўлади. Ҳеч бир киши ўзганинг ўзидан кўра яхшироқ бўлишига тоқат қилолмайди. Фақат фарзанд бундан мустасно.

Мулоҳаза қилиб кўрилса, баъзан эрхотинлар бир-бирларидан азоб чекиб яшашиди. Гоҳида уларга ҳаёт, фарзанд ва оила



машаққатларига бардош бериш қийин кечади. Агар эрига: “Аёлинг сен билан жаннатда ҳам бирга бўлади”, дейилса, у ҳайрон қолади. Чунки Аллоҳ таоло охиратда аёлини у ёмон кўрган сифатларидан поклаб қўйишини билмайди-да. Аллоҳ таоло бундай дейди: **“Тақво қилганларга Раббилари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатлар бор. Унда абадий қолурлар. Покиза жуфтлар...”** (*Оли Имрон сураси, 15-оят*). Парвардигор яна бундай дейди: **“Албатта, жаннат эгалари у кунда роҳатланиш ила машғуллар. Улар ва уларнинг жуфтлари сояларда сўриларда ёнбошлаб ётурлар”** (*Ёсин сураси, 55-56-оятлар*).

“Ҳамда бизларни тақводорларга йўлбошчи қил”. Ибн Умар розийаллоҳу анҳумо бундай дерди: “Ё Аллоҳ, бизни тақводорларга имом қилгин”. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: “Бизни ҳидоят йўлбошчиларидан қилгин”, дерди. Бу Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи кабидир: **“Улардан бизнинг амримиз ила ҳидоятга бошлайдиган пешволар чиқардик”** (*Сажда сураси, 24-оят*).

Аллоҳ таоло барчаларимизга жуфти ҳалолларимиз ва зурриётларимиздан кўзларимиз қувнаб яшаш бахтини насиб қилсин.

*“Тафсири Шаъровий” ва
“Тафсири Мунир” асарлари асосида
Тошкент шаҳридаги
“Новза” масжиди имом-хатиби
Жалолиддин домла ҲАМРОҚУЛОВ
тайёрлади.*

АХЛОҚСИЗЛИК БИЛАН АХЛОҚ ЎРГАТИБ БЎЛМАЙДИ



– Шу келиннинг қадам олиши бежо-да, усталарнинг олдига серқатнов бўлиб қолди, – дея Хосият опа келинидан шубҳаланаётганини айтиб қолди. Бундан Одил отанинг жаҳли чиқди:

– Нега ундай дейсан, кампир?! Ҳа, энди овқат олиб бораётгандир. Сен кампир ўтган куни телевизорда усталар билан “юриб” кетган келинни кўргангидан бери шу келиннингдан шубҳаланиб қолдинг.

Шундан сўнг Хосият опанинг гап халтаси очилиб кетди. Кинони оқлаб, ана шундай келинлар кўпайганини айтиб, келинида ҳам шу қилмишнинг аломатлари бордек туюлаётганини айтди.

Ҳа, кўрганларига берилиб кетадиган таъсирчан инсонлар оз эмас. Бироқ телеканаллардаги, ижтимоий тармоқлардаги инсоннинг кўнглига ғулғула солиб, ана шундай ўйлашга мажбур қилаётган тасвирлар сабабчи эмасмикин?! Чунки уларнинг сарлавҳалари ҳам кишини даҳшатга солади. Қайнота-келин муносабатлари, қайнаканинг келини билан ҳаёсизлигини танқид қиламан, деб тарғиб қилиб кўйиш инсонларда бир-бирига бўлган гумоннинг шаклланишига сабаб бўлмайдами?

Масалан, телеканалларда турли номлардаги машҳур кўрсатувларни кўпчилик томоша қилади. Бироқ ёритилаётган воқеалар, тасвирларнинг очиқлиги боис бу кўрсатувларни оила жам бўлиб кўриши катта ноқулайлик туғдиради. Балки улар бу каби

воқеалар мавжудлиги, унинг оқибати мана бундай бўлади, демоқчидир. Бироқ воқеалар тасвири қаҳрамоннинг аянчли аҳволга тушиб қолиши – бир томонлама ёндашув. Афсуски, уларнинг юзага келиш омилларини кўрсатиб беришмаяпти.

Динимизда энг мукамал жавоб, бу ҳолатнинг оқибати кўрсатилган. Улар кўрсатётган оқибат ҳаммада ҳам шундай бўлавермайди. Бироқ динимизда зинонинг ва ҳаром ишнинг оқибати битта ва бундан ҳеч ким қочиб қутулолмайди.

Аммо, афсуски, бу каби ҳолатлар бугун ҳаётимизда ҳамон содир бўляпти. Бу ҳақда гапириш керакдир ҳам. Бироқ халқнинг менталитетига ҳурмат билан ёндашилса, тўғри бўлади. Ахлоқсизликни кўрсатиб ахлоқни ўргатишга уриниш самарали тарбия усули эмас. Бунинг ўрнига кўнгил ором оладиган, савоб ишга ундайдиган ҳаётий воқеаларни ҳикоя қилиш фойдалидир. Ахир замондошларимиз орасида онасининг оёғини ҳажда тавоф қилган фарзандлар, кибрини синдириш учун эҳтиёжманд оилалар эшиги тагига билдирмай озиқ-овқат кўйиб кетаётган саховатпешалар жуда кўп. Ана шундай гўзал воқеалар кўрсатилса, манфаатли бўлади. Уларни кўриб, ана шундан таъсирланиб, эзгулик йўлини тутгучи инсонлар кўпайса, не тонг!

Яқинда бир танишимизнинг 8 ёшли ўғли руҳиятидаги ўзгариш сабабли шифонхонада даволанди. Бунга у кўрган кўрқинч-



ли фильм сабаб бўлган. Афсуски, бу хориж фильми эмас, ўзимизники, нодавлат телеканалларимизнинг бирида намойиш этилган. Бу нафақат ёш болаларга, катталарга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Балки бунга масъуллар кўрқса, кўришмасин ёки бунинг мақсади ўзи кўрқитиш, дейишар. Бироқ унинг ортидан келаётган даромадга берилиб, инсонларнинг ҳиссиётларига салбий таъсир қилиш тўғри эмас. Бундай даҳшатлар ёшларнинг қалбини қотириб қўйса, бунинг оқибати нима бўлади?

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг. Унинг тепасида кўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар”** (Таҳрим сураси, 6-оят).

Ҳадиси шарифда эса: **“Сиздан ким бир мункар ишни кўрса, қўли билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, дили билан қайтарсин, ана ўша энг заиф иймондир”**, дейилади (Имом Муслим ривояти).

Демак, имкон қадар яхши ишни тарғиб қилиб, ёмонидан қайтариш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

Камола АДАШБОЕВА

Онам мени “отам” дерди...

Ёш бола эдим. Онам далада кетмон чопар, ғўзаларни парвариш қилар, терим пайти тонгдан шомга қадар пахта терарди. Тушлик маҳали тутнинг тагида нафасини ростлаш билан дарров қўлини ювиб, Марғилон дўпписини меҳр билан тика бошлар эди. Тушликда чала қолган ишини даладан қайтгач, бизларни едириб-ичириб, алла ёки эртақ айтиб бўлгач, яна алламаҳалгача давом эттирарди. Онамни жуда яхши кўрардим. Доймо ортидан эргашиб, ёрдам берганим учун онам ҳеч қойимас, мени “отам” деб чақирар эди.

– Отам, сув олиб кел! Ота, ҳовлини супуриб юбор!..

“Отам” десалар, буюрган ишларини югуриб-елиб бажаришга ҳаракат қилардим. Йиллар ўтиб, катта бўлдим. Ўйласам, ўша даврларда турмуш кечириш анча оғир бўлган экан. Дадам урушда бир оёғини йўқотган. Ҳар қандай ишни уддалаб кетолмас эканлар. Мен ёнларида бир қанча тайёр дўппиларининг тугунини ушлаб турардим. Онам дўппиларни арзон сотарди.

– Ойшахон, нимага арзон сотасиз? Қимматроқ сотсангиз ҳам бўлади-ку! – норизо бўлишарди атрофдаги дўппифурушлар. Онам уларга кулиб қўяверар, аммо эрлари фронтга кетган болали аёлларга дўппиларини текин ҳам бериб юбораверарди.

Онамнинг касбига Аллоҳ таоло барака бериб қўйганини кейин англадим. Чунки ўшандай даврларда ҳам ёмон яшамаган эканмиз...

Кутилмаганда онам оғир дардга чалиниб, оламдан ўтди. Таъзияга келганларнинг деярли барчаси Марғилон дўппи кийган, ҳатто эр кишилар ғамгин ҳолда: “Онамиз чевар бўлганда ҳам кўнгилларга яхшиликдан нақшлар солган чевар эди”, дер эдилар.

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қай бир хотин ўлса-ю, эри ундан рози бўлса, жаннатга киради”**, дедилар (Имом Термизий ва Имом Ҳоким ривояти).

Онажоним то вафот этгунига қадар дадамнинг розилигини қозониб, биз фарзандларига меҳрини улашиб яшаб ўтди. Ушбу фазилатлари ажрига Раббимиз унга жаннатини насиб этган бўлсин.

Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ



Salavot aytsang, javob qaytaradilar

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam nafaqat ota-onangga, balki barchaga, sendek bolalarga mehr ko'rsatishni aytganlar. U zot alayhissalom: **"Kichiklarimizga rahm qilmagan va kattalarimizni ulug'lamagan bizdan emas"**, dedilar. Bu borada o'zlari eng go'zal o'rnakdirlar.

Payg'ambarimiz alayhissalom bilan do'st, hamroh va qo'shni bo'lishni istaysanmi?

Jannatdagi qasrlarda u zot bilan suhbat qurishni-chi?


Unday bo'lsa, bilki, faqat orzuning o'zi kifoya qilmaydi. Qanchadan-qancha insonlar muvaffaqiyatga erishish orzusida. Lekin unga yetkazuvchi amallarni bajarishmaydi. Shuning uchun maqsading yo'lida amal qilishingga yordam beradigan ba'zi narsalarni o'rgataman.

Sen bilan Nabiy alayhissalom yashagan davr orasida bir ming to'rt yuz yildan ziyodroq vaqt o'tgan bo'lsa-da, u zot qay holatda ekaningni biladilar. Shu bois go'zal hadislarni qoldirdilar. U zot alayhissalom bir kuni sahobalari davrasida: **"Do'stlarimni ko'rish orzusidaman"**, dedilar. Sahobalar: "Biz sizning do'stlaringiz emasmizmi?" deb so'rashdi. Rasululloh alayhissalom: **"Siz sahobalarimsiz, do'stlarim esa meni ko'rmasdan menga iymon keltirganlardir"**, deb javob berdilar.

Ana, ko'rdingizmi? Albatta, sen u zot mushtiq bo'lgan suyukli ummatlaridan birisan. Bu maqomga Nabiy alayhissalomga iymon keltirish, payg'ambarliklarini tasdiqlash, sunnatlariga ergashish va amal qilish, nasihatlariga quloq tutish bilan erishasan. Muborak ismlarini tilga olib, salavot aytsang, u zot javob qaytarish bilan senga bog'lanadilar.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam aytdilar: **"Kim menga salom aytsa, uning salomiga alik olishim uchun Alloh taolo ruhimni qaytarib turadi"** (Imom Abu Dovud rivoyati). Yana bunday dedilar: **"Qiyomat kuni odamlarning afzali menga ko'p salavot aytganidir"** (Imom Termiziy rivoyati). Bir o'rinda aytdilar: **"Ismim uning oldida zikr qilinganida menga salavot aytmagan kishi haqiqiy baxildir"** (Imom Termiziy rivoyati).

Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga salavot aytsang, u zot senga javob qaytaradilar. Qayerda bo'lishingdan qat'i nazar, u zotga aytgan saloming yetib boradi. "Yo Rasululloh, sizga Zahro salom yo'llamoqda. Ey Allohning Rasuli, sizga Muhammad salom yo'llamoqda", deyiladi. Shundan so'ng u zot javob qaytaradilar.



Agar nomingdan juda ko'p salom yetib borsa, u zot seni tanib oladilar.

Jannatga Nabiy alay-hissalomdan oldin biror kimsa kirmasligini bilsang, nima qilasan? Albatta, u zot bilan birga birinchilar qatori jannatga kirishga intilasan. Lekin qanday qilib? Faqat orzu bilanmi yoki amal bilanmi?

Rizvon farishtasi jannat darvozasi taqillayotganini eshitadi va: "Kim u?" deb so'raydi. Nabiy alayhissalom: "Muhammad ibn Abdulloh", deydi. Farishta: "Haqiqatan, Parvardigorim faqat sizgagina jannat darvozasini ochishimni buyurgan", deydi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan ummatlaridan solihlari ham birga kiradilar.

Payg'ambarimiz sollallohu alayhi va sallam aytadilar: **«Qiyomat kuni jannat eshigiga kelaman. Uni ochishlarini so'rayman. Shunda qo'riqchi: "Kim u?" deydi. Men: "Muhammadman", deyman. U: "Zero, sizdan oldin hech kinga ochmaslikka buyurilganman", deydi».**

"Kim seni u zotdek yaxshi ko'radi?" kitobidan
Yulduz KOMILOVA tarjimasi

Одоб-ахлоқимиз қандай?

Набий алайҳиссалом ёшликларидан гўзал одоби билан элнинг назарига тушган эдилар. Хадича онамиз у зотга кичкина болани совға қилганида у кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом бирор марта тергамаганларини, аксинча, айб иш қилса-да, уришмаганларини ривоят қилган.



Ана ўша болани отаси неча йиллар излаб топиб келганида у ўз оиласини эмас, балки Расули акрамни танлади... Пайғамбаримиз қандай меҳр берганларки, кетмади, қолишни афзал билди!

Биз-чи?! Бегона болани қўйинг, ўз фарзандларимизнинг шўхликларига тоқат қилолмаймиз, ишдан чарчаб келсак, мўлтираб туришади... Болалигига бориб бирон хато қилиб қўйса, кўзини очирмаймиз, ҳатто жазолаймиз ҳам!

Бир ўйлаб кўрайлик, яқинларимиз биз билан яшаётгани-

“Огоҳ бўлинг, сизларнинг менга энг маҳбубингиз ва қиёмат кунда менга энг яқин ўтирадиганингиз кимлигини айтмайми? Хулқи гўзал бўлганларингиздир” (Имом Байҳақий ривояти).

дан мамнунми? Уларга имкон берилса, биздан қочиб кетмайдими? Турмуш ўртоғимиз биз билан болалар учунгина ёки одамларнинг гап-сўзидан қўрқиб яшамаяптимикин? Фарзандларимиз тезроқ улғайиб, шу уйдан узоқ-узоқларга кетишни ич-ичларидан ишташмаяптими?

Ёхуд опа-синглимиз, ака-укамиз яна болалик давримиздагидек биз билан яшашни хоҳлашадими? Ота-онамиз-чи?!

Албатта, вақтни ортга суриб бўлмайди. Аммо бу саволлар қандай эканимизни кўрсатади.

Бегона бола ота-онаси, қавму қариндоши, уйини қўйиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан яна яшашни танлаганига кўра, у зот ҳатто биз тасаввуримизга сиғмас даражада яхши инсон бўлганлар!

Ана шу қолипга ўзимизни солиб кўрайлик-чи!

Эҳтимол, тилимиз билан бировга озор бермасмиз. Лекин қилиқларимиз билан-чи?! Юриш-туриш, хатти-ҳаракатларимиз ҳам беозорми?

Зеро, мусулмон эканмиз, қўлимиздан ҳам, тилимиздан ҳам биров озор чекмасин!

Зухраҳон ҲАМДАМОВА

Она ўз фарзандларига мадраса бўлсин

Мамлакатимизда аёлларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик таҳсинга лойиқ. Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини кучайтириш, уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида самарали ислохотлар ўтказилмоқда. Ана шундай эзгу ташаббуслар, хайрли ишларда отинийларнинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Хусусан, бугунги қаҳрамонимиз ҳам бир неча йиллардан буён хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб келаётган Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Холисхон ЭРМАНБЕТОВА.



жуда кўп аёллар билан танишдим. Тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, икки авлод ўртасида катта фарқ бор. Кекса авлод оналари сабрли, меҳнаткаш бўлишган. Раҳматли онам мисолида айтадиган бўлсам, етти қиз, беш ўғилни вояга етказиб, жамиятда ўз ўрнинимизни топишимизда унинг хизмати жуда катта. Онаминг қачон уйғониб, қачон ухлаганини билмасдик. Турмушдаги муаммолар, рўзғордаги қийинчиликларга сабр қиларди.

Уй юмушларидан ортиб, қўшни аёллар билан китобхонлик кечалари уюштиришарди. Пайғамбарлар қиссаларини, халқ оғзаки ижодини яхши билган ҳассос воиз ҳам эди.

Бугунги оналар зиммасидаги масъулият икки қарра кўпроқ. Лекин улар болага кунт билан бирор нимани ўргатиш ўрнига ишларимдан чалғитмай жим ўтирсин, деб қўлига телефон тутқазиб қўядилар. Охирги марта қачон ва қандай китоб ўқиганини эслай ҳам олишмайди. Кун давомида қўлидан телефон тушмайдиган, телевизордан ортмаган она тарбия билан қачон шуғулланади?

Албатта, фарзанди келажаги ва тарбиясига беэътибор бўлмаган, ҳаётининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланадиган, дунёқараши кенг, зукко оналар ҳам кўп.

- Ассалому алайкум! Холисхон опа, халқимиз орасида: “Она – ўз фарзандларига мадрасадир” деган нақл бор. Айтинг-чи, кекса авлод оналари билан бугунги ёш авлод оналари ўртасида тарбия борасида қандай тафовутлари бор?

- Ва алайкум ассалом. Дарҳақиқат, оналик – бахт, масъулият. Аёллар фарзандни дунёга келтириб, рўзғор юмушларини бажариш билангина она бўлиб қолмайди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам **“Жаннат оналар оёғи остидадир”** (Имом Қўзоъий ривояти), деб бежизга айтмаганлар.

Хотин-қизлар билан салкам 40 йилдан буён ишлайман. Шу йиллар мобайнида

- Хотин-қизларимизда тўғри эътиқодни шакллантириш, оиланинг тинчлиги ва барқарорлигини сақлаш борасида туман ва маҳаллаларда қан-



дай ишлар амалга оширилмоқда?

– Талха ибн Убайдуллоҳ ибн Курайздан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳар бир амри маъруф садақадир. Яхшиликка далолат қилувчи худди уни қилувчи кабидир”**, дедилар. Ушбу ҳадисни шиоримга айлантирганман. Ҳозирда 59 нафар отинойига бошчилик қилиб келмоқдаман. Ҳар душанба отинойилар йиғилишини ўтказиб, режа асосида хайрли ишларни амалга оширамиз.

Жорий йил бошидан буён ажрим ёқасига келиб қолган 35 та оилани яраштиришга муваффақ бўлдик. Ҳар бир қишлоқда ҳафтанинг шанба кунлари “Аҳил оила” мавзуида семинар ўтказиб, аёлларимизнинг шароит ва муаммоларини ўрганамиз. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар билан ҳафтада 2 марта учрашиб, уларга зарур масалалар бўйича мутасаддиларга ахборот берамиз.

“Темир дафтар”даги аёлларни ҳам иш билан таъминлашга ёрдам берилади. Жорий йилнинг 5 ойи давомида 30дан зиёд аёл иш билан таъминланди. “Оқила аёллар”, “Тарғибот гуруҳи”да олиб бораётган фаолиятим давомида “Эрта турмушнинг олдини олиш”, “Мен оилага тайёрманми?” каби мавзуларда қизлар билан тушунтириш ишларини мунтазам олиб бораман.

Ҳар бир семинар-йиғилишларда аҳоли орасида бидъатларнинг олдини олиш, тўй ва маъракаларда ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик мавзуларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтаман. Айниқса, таъзия бўлган хонадонда шариатда бўлмаган “исчиқариш”, “пайшанбалик”, “якшанбалик” ва бошқа маросимларни камайтириш бўйича наҳйи мункар қилинади.

– Бугунги замон талабларига жавоб берадиган муслима аёл қандай бўлиши керак?

– Жуда ўринли савол. Дарҳақиқат, Ислום аёлнинг ҳаётини ошхона билан чегаралаб, унинг зиммасига фақат рўзғор ишларини-



гина юклаб қўймаган. Аксинча, эркакни ҳам, аёлни ҳам маънавий, маърифий, ижодий камолотга ундайди. Замонавий муслима аёлнинг энг биринчи ва муҳим вазифаси солиҳа, итбатли жуфт бўлишдир. Шу билан бирга ўз устида тинимсиз ишлаши, маънавий-маърифий ислохотлардан хабардор бўлиши ҳамда мутолаа билан доимий шуғулланиши лозим. Динимиз аёлларга ҳаётнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ва иқтисодий жабҳаларида фаол иштирок этиш ҳуқуқини берган. Аммо бунда хотин-қизлар ўзларининг нозик чегарасидан чиқмаган ҳолда дағал, қўпол, эркактабиат бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлишлари лозим.

Ҳозирда диний билимлар ва соғлом ақидани шакллантиришда “Мўминалар” ва “Ҳидоят” журналлари ҳамда “Ислום нури” газетасида чоп этилаётган мақолалар ўқувчиларнинг кўнглидан чуқур жой олмоқда. Нашрларда ақида, фикр, ҳадис, оила, фарзанд тарбияси ва бошқа бир қанча манфаатли мавзуларда мақолалар чоп этилади.

Хотин-қизлар диний ва дунёвий билимларга эга бўлсагина, инсонларга маърифат улаша олади.

Робияхон ТОҲИРОВА
суҳбатлашди.



Қиммат тақинчоқлар кўплиги ҳам қурбонликни вожиб қилади

САВОЛ: Қурбонлик кимларга вожиб бўлади? Қурбонлик тўғрисидаги аҳкомлар ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда қурбонлик қилиш ҳур, балоғат ёшига етган, оқил, муқим (яъни сафарда бўлмаган), ҳожати аслиядан ортиқча мулки (нақд пул шаклида бўлмаса-да) кумуш нисоби (икки юз дирҳам)га етган мусулмон эр ва аёлга вожиб бўлади.

Қурбонликда маблағ бир йил давомида ҳожатдан ортиқча бўлиб туриши ёки ўсувчи мол бўлиши шарт қилинмайди.

Қурбонлик нисобини ҳисоблашда қуйидагилар ҳожати аслиялар деб эътиборга олинади: озиқ-овқат маҳсулотлари, уч сидра кийим, яшаш жойи, уй асбоблари, иш-касб қуроллари (тикув машинаси), миниб турган улови.

Булардан ташқари, чорва моллари, ортиқча ҳовлилар, ижарага берилган уйлар ва машиналар, уйда ишлатилмай турадиган идиш-товоқлар, совға-салом молларининг нархи 85 г тилланинг қийматига етса, зиммаларига қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

Ҳозирги кунда кўп аёллар тақинчоқлари ва захира кийимлари ҳамда ўсмайдиган

моллари ҳисобланса, нисоб соҳибига айланади. Гарчи закот бермасалар-да, қурбонлик қилишлари вожиб бўлади.

Қурбонлик қилишнинг вақти қурбон ҳайити намози ўқилганидан учинчи ҳайит куни қуёш ботишигачадир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: *“Дарҳақиқат, бугунги кунда аввал бошлайдиган ишимиз Ийдул азҳо (Қурбон ҳайити) намозини ўқиш, сўнгра (уйларимизга) қайтиб қурбонлик қилишдир. Ким шундай қилса, демак, у суннатимизга мувофиқ иш қилибди. Кимдаким ҳайит намозидан олдин сўйса, у қурбонлик эмас, балки ўз аҳли учун тақдим қилган гўштдир”* (Имом Бухорий ривояти).

Бунда қора молни, туяни, қўй ва эчкини қурбонлик қилиш мумкин.

Мол билан туяни етти киши шерик бўлиб қурбонлик қилса бўлади. Бунда шерикларнинг ҳаммаси мусулмон ва қурбонликни ният қилган бўлиши шарт. Аммо улардан бирортаси шунчаки гўшт учун қўшилган бўлса, қолган барча шерикларнинг қурбонлиги ўтмайди. Сўйилган ҳайвоннинг гўшти шериклар ўртасида тарозуда ўлчаб тенг тақсимланиши зарур.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: *“Аллоҳга (қурбонлик) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин У Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли – У Зотни улуғлашларингиз учун – уларни сиз-*



ларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушxabар беринг!” (Ҳаж сураси, 37-оят).

Демак, қурбонлик қилувчи ниятини тўғри қилиши, холис Аллоҳ таоло учун қурбонлик қилиши лозим.

САВОЛ: Қурбонликни ният қилган киши тирноқ ва сочларини олмаслиги керакми?

ЖАВОБ: Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ мазҳабларига кўра, қурбонлик қилмоқчи бўлган киши соч ва тирноқларини олиши мумкин.

САВОЛ: Аёл киши қурбонлигини ўзи сўйса бўладими ёки, албатта, эркак киши сўйиши керакми?

ЖАВОБ: Зиммасига қурбонлик қилиш вожиб бўлган аёл ўз қурбонлигини ўзи сўйишида монелик йўқ. Аёл киши қурбонлигини сўйиш ваколлатини мол, қўй сўя оладиган маҳрамига ё қассобга бергани маъкулдир.

САВОЛ: Қурбонликнинг ярмини тарқатиб, ярмини ўзимизга олсак бўладими?

ЖАВОБ: Қурбонлик қилган киши қурбонлик гўштини, хоҳласа, оиласи катта бўлса, ҳаммасини ўз аҳли оиласи учун олиб қолиши мумкин. Уламоларимиз қурбонлик гўштининг бир ҳиссасини муҳтожларга, яна бир ҳиссасини қариндош ва дўст-биродарларга бериб, қолган бир ҳиссасини ўз аҳли оиласига олиб қолишни мустаҳаб деганлар. Салама ибн Акваъ розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: *“Сизлардан ким қурбонлик қилса, уч кун ичида ўзига бирор нарса олиб қолмай, одамларга тарқатиб берсин”,* дедилар. Кейинги йилда саҳобалар: *“Эй Аллоҳнинг Расули! Бу йил ҳам ўтган йилгидек қиламизми?”* дейишди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: *“(Бир қисмини) энглар, (бир қисмини) едиринглар ва (бир қисмини) ўзларингизга*

олиб қолинглар. Ўтган йили одамлар қийналган эди, уларга ёрдам бўлсин, дегандим”, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

“Раддул Муҳтор” китобида бундай дейилган: “Қурбонлик гўштини уч қисмга бўлиб, бир қисмини садақа қилиш, яна бир қисмини қариндош-уруғлар ва дўст-ёрларга зиёфат қилиб едириш ҳамда яна бир қисмини ўзи учун сақлаб қолиш афзал. Агар (оиласи катта бўлса) ҳаммасини ўзида олиб қолса ҳам, жоиз”.

САВОЛ: Қурбонлик гўштини кимларга берса бўлади?

ЖАВОБ: Фиқҳий манбаларимизда бундай дейилган: “Қурбонлик гўшtidан бойга, фақирга, мусулмонга ва ғайридинга бериш мумкин” (*“Фатавои Ҳиндия”*).

САВОЛ: Қурбонликнинг фазилатлари ҳақида айтсангиз.

ЖАВОБ: Хусайн ибн Али розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: *“Ким қурбонликни дили хурсанд ва савоб умидида қилса, қурбонлиги унга дўзахдан парда бўлади”,* дедилар (Имом Табароний ривояти).

Абул Қосим Асбаҳоний Али розияллоху анхудан ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: *“Эй Фотима, тур ва қурбонлигингга гувоҳ бўлгин. Чунки қурбонлик қонининг биринчи қатраси (томчиси) билан ўтган гуноҳларинг мағфират қилинади. Қурбонлигинг гўшти ва қони қиёмат кунида тарозингга 70 марта зиёда қилиб тортилади”,* дедилар. Абу Саид розияллоху анху айтади: “Эй Аллоҳнинг Расули, бу фақат Муҳаммад оиласи учун хосми? Ёки барча мусулмонлар учунми?” Шунда у зот: *“Муҳаммад оиласи ва барча мусулмонлар учун”,* дедилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-33-44



Тонгдаги суҳбат

Бомдоддан сўнг саломга кирган невара қиз:

– Бобожон, муборак жуманинг файзидан баҳраманд қилсин, дуоларингиз ижобат бўлсин. Кўп йиллар соғ бўлиб, барча невра-эвараларингиз бахту иқболини кўриб юринг, бобожон, – деди.

Бобонинг кайфияти чоғ, жилмайиб:

– Она қизим, ниятларинг ижобат бўлсин, сен ҳам бахтли, тахтли бўл. Сенинг борлинг бувинг иккаламиз учун катта бахт, бу бахтни бизга Аллоҳим ато қилди. Шукр! Бугун пешинга ош дамласанг, – деди.

Гавҳархон кулиб:

– Хўп бўлади, бобожон! Ҳар сафаргидек меҳмонингиз борга ўхшайди, қанча дамлай, шуни айтсангиз, – деди.

– Мен бугун ён қўшнимиз Карим отани ҳамда Бозоркул дўстимни таклиф қилмоқчиман, болам. Карим отанинг ҳеч кими йўқ, уйда бир ўзи. Бозоркулнинг хотини бетоб. Унга ҳам бир коса ош чиқарсак, савоб бўлади. Нима дединг?! – деди бобо.

Гавҳар жилмайиб:

– Сизнинг хоҳишингиз билан уларга тансиқроқ таомлардан чиқариб тураман, – деди.

Бобоси қувониб:

– Барака топ, қизим! – деб дуо қилди.

Невара қиз ҳам бобосига меҳр билан:

– Бобожон, бизга бир киши Набий солаллоҳу алайҳи ва салламдан: **“Ислолдаги қайси амал яхши?”** деб сўраганларида у зот: **“Таом беришинг ҳамда таниган-танимаганга салом беришинг”**, деб жавоб қилганларини айтиб берган эдингиз. Ўша гапингиз ҳар доим ёдимда. Сиз айтган шу отахонларга ҳамда ёлғиз кампир Ойша холаникига ҳам у-бу нарса олиб чиқиб, бироз суҳбатлашиб келаман. Ойша хола ёши саксондан ўтган бўлса-да, ҳали бақувват. Лекин суҳбатдошга зор бечора... – деди.

Бобо севиниб деди:

– Баракалла, болам, бу ишинг Аллоҳга хуш келади. Давом эттир, кам бўлмайсан, қизим. Ҳа, эсимга тушди, бу ривоят Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан эди. Хотирангга балли! Гавҳар қизим, бўлажак куёвим Жавоҳир билан сизларга бахтли ҳаёт насиб қилсин. Мен ҳар кунги намозларимда бахтингизни тилаб дуо қиламан. Яна битта гап: яхши муомала, атрофдаги яқинларига меҳрибонлик аёл кишини зийнатлайди, уни янада назокатли қилади. Шуни унутма, она қизим!

Тўлқин МУҲИДДИН,
ёзувчи ва драматург



Қачон ўнганамиз?

Уч-тўрт йил бурун қайнотам қазо қилди. Мен аёлларнинг таъзияда дод-фарёд солиб йиғлашларига қарши бўлдим. Уларни кузатиб турдим: таъзияга келганлар олдида йиғи-сиғи қилар, улар кетишгач, ўзаро гап ташлашиб, ҳатто кулишиб ўтиришарди.

Аза кунлари шаҳардан бир ҳожи онани чақириб келдим. Жанозада ҳожи она ҳаммани йиғламасдан зикр айтиб туришга буюрди. Шунда қайнопам олдимга келиб, ҳожи онани ичкарига олиб киришимни, агар улар йиғламаса, келганлар кулиб кетишини айтди. Мен аслида онахон тўғри гапираётганини айтдим, лекин қайнопам тушунишни истамади.

Бир пайт қайнопам яна ёнимга келди-да, қулоғимга шивирлади: “Ҳожи она тўғри айтибди, йиғи-сиғи қилиб, дадамнинг азоб-ланишига сабаб бўламиз, биз фақат зикр айтишимиз керак”.

Ҳожи она билан ҳовлига чиқдик. Ҳаммамиз йиғламасдан зикр айтиб турдик. Жимжитлик эркакларни ҳам ҳайрон қолдирди. Кейин овоз чиқариб йиғлашимизни талаб қилишди. “Одамлар отаси ўлиб, биров йиғламади, дейди-ку”, дейишди қайноғаларим.

Ахир Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мусибатда овозини кўтарган, сочини юлган ва кийимларини йиртган кимса биздан эмас!”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти) демаганларми?!

Акам келиб менга гапиргани, “Маййит чиққунча зикр айтиб турилса, марҳумга савоб бўларкан”, дедим. “Нега унда мулла буни ёқламади, йиғидан фойда йўқ, аёллар тўғри қияпти, демади”, деди акам. “Сиз ундан сўраб кўринг, ака”, дедим мен.

Биз-ку бунинг уддасидан чиқдик. Аммо бошқалар ҳанузгача бу каби бидъат амалларни бажариб келмоқда: юзга сув сепиш, чироқ ёқиш, маййитни ювиш учун сув иси-

тилган қозонда юпқа пишириш, ювгани кирганда тоқ кириш ва ҳоказо.

Ахир бундай бидъат амаллар бизни дўзах сари етаклаши мумкин-ку. Шунинг учун кўзни каттароқ очайлик, илм ўрганайлик!

Зеро, ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Ким бизнинг динимизда унда бўлмаган янги нарсани киритса, рад қилинади”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Таъзия билдирувчи аёлларнинг энг муҳим одоблари қуйидагилар:

- мусибат етган хонадонга безакли кийимларни кийиб бормаслик;
- мусибат етган хонадонга борганда овозини баландлатиб, уввос солиб йиғи-сиғи қилмаслик;
- юз-кўзини тимдалаб, ёқа йиртиб, бошидан рўмолини тушириб юбормаслик;
- мусибатзадаларга тасалли берадиган гапларнигина гапириш;
- мусибат етган хонадонга хурсанд қиёфада ёки кулган ҳолда бормаслик, ҳазил-хузул қилмаслик;
- азадорларга ноўрин (масалан, “Эсиз”, “Ёмон ўлди-да”, “Бежал кетибди” каби) гапларни айтмаслик ва ҳоказо.

Одоб-ахлоқ ҳар ерда зарур, жумладан, таъзияхонада ҳам. Агар мазкур одобларга амал қилмасак, мусибат устида бўлиб турган танишларимизга янада мусибат юклаган бўламиз, қалбларига озор етказамиз. Бу эса динимизда қораланади. Аксинча, хушмуомалалик билан уларнинг кўнглиларига қараб сўзлаб, дилларига таскин берайлик!

Наргизахон ҲАМДАМОВА,
Жиззах вилояти



Ҳақ йўлдан адашманг!

Олимжон аканинг ўғли моҳир уста эди. Каттароқ ҳовли ва янги машина олиш илинжида, мўмайроқ даромад топсин, деб фарзандини хорижга ишлашга жўнатди. Уни ўзга юртда ўртоқлари кутиб олди. Иши ҳам юришди, тузуккина пул юбора бошлади. Қисқа вақт ичида намоз ўқишни бошлаб, кимлардандир сабоқ ҳам олди. Олимжон ака ўғлининг намоз ўқиётганидан ва кўп пул жўнатаётганидан мамнун эди. Олти ойдан кейин ўғли устозлари ва яна бир нечта тенгдоши билан Туркияга бориб ишлашани, у жойда бундан-да кўп пул топишини айтиб, отасидан рухсат олди. Ота бундан севинди. Аммо унинг бу хурсандчилиги узоққа чўзилмади.

Бир куни имомнинг жума мавъизасида сўзлаган огоҳликка чорловчи нутқи Олимжон акани довдиратиб қўйди. Ўғли шубҳали кимсаларнинг қарамоғида эканини бутун вужуди билан ҳис қилди. Негаки, бундай кишилар Туркия баҳонасида Сурияга олиб кетилиши бор гап-да. Олимжон ака – ҳеч кимга лом-мим демасдан, тегишли идорага бориб, бу ҳақда хабардор қилди. Яхши ҳамки, давлатимизнинг саъй-ҳаракати билан алданган болалар ватанга қайтариб келинди. Олимжон аканинг фарзанди ҳеч нарсадан хабари йўқлигини билдириб, узр сўради ва яна аввалги ишини давом эттирди.

Азизлар, қанчадан-қанча фарзандлар хорижда пул топаман деб алданиб, бошқа оқимларга ўтиб, ҳатто қўлига қурол олиб, жиҳодчилар гуруҳига қўшилиб, алал оқибат жанозасиз ҳам кўмилиб кетди.

Матбуот орқали юртдошларимизнинг ҳақ йўлдан адашмасликка даъват қилинаётгани яхши самара беряпти. Шунингдек, имом-домлаларимизнинг маҳаллаларда, тўй ва маросимлардаги диний-маърифий

суҳбатлари халқимизни огоҳликка ундамоқда.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: **“Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирор эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт бахш этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз”** (Наҳл сураси, 97-оят).

Ҳақиқатан, тинчликнинг қадрига етиб, ҳақ йўлдан адашмай юришдек бахтли ҳаёт ҳеч қачон юртимизни тарк этмасин! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Ҳақиқий мусулмон бошқа мусулмонларга тили билан ҳам, қўли билан ҳам озор етказмаган кишидир”** (Муттафақун алайҳ).

Озор бериш мусулмон кишининг иши эмас. Ҳақиқий мусулмон бўлиш учун ҳаракат қилинг ва ҳақ йўлдан адашманг!

Нозбуви ТЕМИРОВА,

Самарқанд вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси



ШАФЕ АЙЛАНГ, Ё РАСУЛУЛЛОҲ!

Учоғимиз Жиддага қўниши билан ўзимни худди туш кўраётгандек ҳис қила бошладим. Аввалига саҳобалар кўз олдидан ўтаверди, Бадр, Ухуд, Хайбар... жанглари ҳақида ўқиганларим кўз олдимда гавдаланди. Шу хаёллар билан Мадинаи мунавварага етиб келганимизни ҳам сезмай қолибман. Равзаи шарифга кириб бораётганимда коинот сарварининг муборак руҳларини сезгандек бўлдим. Равзага кирганимда ва юртимдан, юртдошларимдан юборилган саломларни, эҳтиромларни бирма-бир айтаётганимда бошим узра кулиб қараб тургандек бўлдилар.

Уч кун Пайғамбаримиз алайҳиссалом меҳри нури билан йўғрилган шаҳарда у зотнинг фикру хаёли билан яшадик, хушу ва хузу билан ибодат қилдик. Кейин Маккаи мукаррама сари отландик.

Меҳмонхонага нарсаларимизни қўйиб, умра амалларини бажариш учун Каъбатуллоҳга йўл олдик. Тилимиздан “Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка лаа шарийка лака лаббайк. Иннал ҳамда, ваннеъмата лака вал мулк. Лаа шарийка лак!” дуоси тушмади. Юра-юра ниҳоят муқаддас Каъбага етдик. Тушимда кўрганам – ўша Каъба эди. Дуосини ўқиб, Каъбани етти марта тавоф қилдик. Мен орқали тилакларини, муаммоларига ечим сўраганларни, фарзандталабларни, сиҳат истаганлар – ҳамма-ҳаммасининг ниятларини ижобат қилишини ва дуолари рўёбини Яратгандан ўтиниб сўрадим. Муаззам уйдан аранг кўз узиб, Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъй қилдик.

Макка ва Мадинанинг таровати ўзгача. Бу ерга келган киши дунёдан узилади – ибодатдан, тоату зикрлардан хузур-ҳаловат топади. Чунки мазкур шаҳарга икки улуғ пайғамбарнинг дуоси кетган.

Анас розияллоху анху ривоят қилади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Мадинага яқинлашганларида: **“Аллоҳим, мен унинг икки тоғи орасини худди Иброҳим Маккани ҳарам қилганидек ҳарам қиламан. Аллоҳим, улар учун муқддлари ва соғларини баракотли қилгин!”** дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Муқаддас заминдаги ибодат ҳаловатини ҳеч қачон туймаганимизни ҳис қилдик. Чиндан ҳам саждага бош қўйиб, ўзининг ожизлигию Буюк Яратувчининг қодир мутлақлигини эслаш билан туйиладиган ухровий лаззатни бошқа бирор ҳолатда топиб бўлмайди.

Зотан, Аллоҳ таоло буюрган ҳар бир амалда кўплаб ҳикматлар яширин. Аллоҳнинг амрларини адо этган киши кўнглида ихлос ила икки дунё саодатидан умидвор бўлади. Эллиқбошимиз кетиш тараддуди бўйича йиғинга чақирар экан, кўнглимда қуйидаги мисралар айланаверди:

*Ҳаволаринг ёқди, ёқмади,
Бирда бемор, бирда соғ бўлдим.
Лек кетарим эшитиб бугун,
Гул эдим-у, гўёки сўлдим.
Вужудимда улкан сакинат,
Каъбатуллоҳ, сенга талпиндим.
Қалбга иниб ажиб бир тийнат,
Фақат Сенгагина юқиндим.
Муқаддасан, ҳам суюгимсан,
Аллоҳимнинг уйисан, Каъбам.
Кўрғонимсан, ҳам буюгимсан,
Тупроғингга айланиб қолсам.
Бу ерлардан келмайди кетгим,
Тавбаларим қабул эт, Аллоҳ.
Васлингизга қай кундир етгум,
Шафе айланг, ё Расулуллоҳ!*

Зебо ОМОНОВА



Аҳли сунна вал жамоа уламолари айтади: “Банда иш-ҳаракатга – унга киришиш ва амалга оширишга Аллоҳ таоло пайдо қиладиган қувват билан қодир бўлади. У қувват иш-ҳаракатдан олдин ҳам ва кейин ҳам бўлмайди”.

ИСТИТОАТ (ҚУДРАТ, ИМКОНИЯТ) ВА ТАФВИЗ ҲАҚИДА

Бандага ўзига хос шаръий ҳукмлар вожиб бўлиши учун унда иститоат (қудрат, имконият) бўлиши керак. У иститоат мол-дунё, йўл озуқаси ва улов, аъзоларнинг соғлом бўлишидир. Бу иститоат бирор ишни бажаришдан олдин бўлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани тақлиф этмайди...**» (Бақара сураси, 286-оят). «**...Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир...**» (Оли Имрон сураси, 97-оят).

Ривоят қилинишича, Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ Жаъфар Содик раҳимахуллоҳдан савол сўрадилар: “Эй Расулulloҳ алайҳиссалом амакисининг ўғли, Аллоҳ таоло ишни бандаларга топшириб қўядими?” Жаъфар Содик раҳимахуллоҳ айтди: “Аллоҳ таоло рубубиятни бандаларга топшириб қўйишдан покдир”. Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ айтди: “Аллоҳ таоло бандалар устидан ҳукмронлик қилиб, уларни феълларга мажбур қилади?” Жаъфар Содик раҳимахуллоҳ айтди: “Аллоҳ таоло бандаларни бир ишга мажбурлаб, сўнг шу иш туфайли азоблашдан йироқ ва адолатлироқ”.

Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳам, уларнинг амалларининг ҳам Холиқидир: “**Ҳолбуки, сизларни ҳам, сиғинаётган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!**” (Соффот сураси, 96-оят).

Агар банда феълларни ўзи яратадиган бўлганида Яратувчи билан яратилган нарсалар ўртасида фарқ қолмасди.

Баъзи фақиҳлар айтади: “Иститоат икки турли бўлади: тақлифий ва тавфиқий. Тақлифий иститоат бу – соғлом аъзолар бўлиб, бу феъллардан олдин мавжуд. Тав-

фиқий иститоат бу – феълни адо этишдаги қудрат, бу феъл билан бирга адо вақтида пайдо бўлади”.

Жабарийлар айтади: «Бандада бирор феъл ва унга нисбатан ҳеч қандай қудрат йўқ. У яхши ва ёмон феълларни мажбуран қилади. Кофир куфрида узрлидир. Чунки банданинг ҳаракати (сувга тушган) дарахт япроғининг ҳаракати каби ихтиёрсиз бўлади. Бунга: “**Ҳар қанча истасангиз ҳам, хотинларингиз ўртасида адолатли (ҳаммасига бир хил муносабатда) бўла олмайсиз...**” (Нисо сураси, 129-оят) ва: “**Сиз учун (эй Муҳаммад!) бу ишда бирор ихтиёр йўқдир. Аллоҳнинг Ўзи уларнинг тавбаларини (балким) қабул қилар ёхуд жазолар. Зеро, улар золимлардир**” (Оли Имрон сураси, 128-) оятлари далил. Аллоҳ таоло мазкур оятларда банда учун феъл ва амр (иш) йўқ эканини ҳамда феълга нисбатан қудрат ва имконият йўқ эканини хабар берди».

Биз айтамыз: «“**Ҳар қанча истасангиз ҳам, хотинларингиз ўртасида адолатли (ҳаммасига бир хил муносабатда) бўла олмайсиз...**” оятидаги аёллар ўртасидаги адолат феъл ва қувват билан эмас, балки нафақа қилиш билан бўлади. Чунки банда аёллар ўртасида нафақа қилишда гоҳо адолат қилишга қодир, гоҳо қодир эмас. Бундан мўътазилийлар айтган сўз лозим келмайди.

“**Сиз учун (эй Муҳаммад!) бу ишда бирор ихтиёр йўқдир**” (Оли Имрон сураси, 128-) оятидан феъл ирода қилинмаган, балки ҳукм ва жазо ирода қилинган. Бунга далил мазкур оятнинг ўзидаги “**...Аллоҳнинг Ўзи уларнинг тавбаларини (балким) қабул қилар ёхуд жазолар...**” жумласида Пайғамбар алайҳиссаломдан жазолаш ҳукми ҳамда



азоблаш ва мукофотлаш иши инкор этилди. Биз ҳам шундай деймиз, яъни бу Аллоҳ таолонинг ўзига хос сифатлари бўлиб, бирор кишининг бошқа бир кишини азоблаш ёки мағфират қилишга ҳақи йўқ.

Феъл икки замонда боқий қолмайдиган араз бўлиб, ҳар лаҳзада пайдо бўлиб туради. Банда ҳар лаҳзада ушбу феълни хоҳлаган ишига сарф этишга ихтиёри бор. Банда ёмон ишни қилишга қодир бўлгани каби ўзини ундан тийишга ҳам қодир. Шунинг учун бандада ёмон ишдан ўзини тиймаслигига ҳеч қандай узр йўқ. **“Бас, ким (дунёда) зарра миқдориди яхшилик қилган бўлса, (қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдориди ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар”** (Залзала сураси, 7-8-оятлар), **“Бас, улар қилиб ўтган амалларига мукофот учун яшириб қўйилган кўзлар қувончини (охират неъматларини) ҳеч ким билмас”** (Сажда сураси, 17-оят) ва **“Ҳар бир жон ўзи (дунёда) қилган (яхши ва ёмон) амали билан гаровлидир”** (Муддассир сураси, 38-оят).

Муржийларнинг “Ихтиёр кўнгилга бирор ўй-фикрнинг келишига боғлиқ. Ўй-фикр келиши банда феълидан эмас. Қачон банда кўнгилга бирор ўй-фикр келса, бундан бошқа ўй-фикрни келтириш имкони бўлмайди”, деган сўзига келсак, айтамиз: “Тўғри, кўнгилга келадиган барча ўй-фикрлар банданинг иштирокисиз Аллоҳ таоло томонидан содир бўлади. Лекин Аллоҳ таоло бу нарсаларни баъзан бевосита яратса, баъзан восита билан яратади. Мазкур восита фаришта, шайтон ёки табиий иллат ҳам бўлиши мумкин. Замир (яширин фикр), ўй-фикр ва ихтиёрдан иборат ҳар бир яхшилик ва тоатни Аллоҳ таоло бевосита ёки бирор фаришта воситаси орқали яратади. Ҳар бир ёмонлик ва қабиҳликни Аллоҳ таоло шайтоннинг васваса қилиши воситаси билан яратади, яъни унинг васваса қилишини яратади. Банда кўнгилга келувчи биринчи ўй-фикр ва унга ўхшаш нарсалар мажбурликни тақозо қилади. Чунки у банданинг феъли ҳам эмас, ихтиёри ҳам эмас ва иши ҳам эмас. Шундай экан, банда уни рўёбга чиқармаса, у савобни ҳам ва жазони ҳам

вожиб этмайди. Чунки банданинг кўнгилга яхшилик ва ёмонликдан бирор ўй-фикр келади. Сўнг шу вақтда унга тескари фикр ҳам келади. Шунинг учун кўнгилга келувчи ўй, яширин фикр ва буни ихтиёр қилиш азимат ва қасд бўлмайди. Азимат ва қасд уни ихтиёр қилиш ва исбот қилиш орқали бўлади. Қачон банда кўнгилга келган бир нарсани ҳужжат қилиб ушласа ва ихтиёр қилса, феъл ундан ҳосил бўлади. Банданинг исботи ва ихтиёри савоб ва жазони вожиб қилади. Банда ўша феълни бажариши ва ихтиёр қилиши туфайли мажбурлик ҳаддидан чиқади. Кўнгилга келувчи биринчи фикрдан сақланиш имкони йўқ. Аммо уни амалга ошириш ёки сақланиш банданинг ихтиёрида”.

Манбалар асосида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Илмий ишлар ва фан бўйича проректори Соатмурод ПРИМОВ тайёрлади.

Қуръон билан яша, болам!

*Қуръон билан яша, болам,
Жо айлагин дилингга.
Аллоҳимга етсин нолам,
Иймон берсин қалбингга.*

*Шунда балки дуоларинг
Етиб Раббим ҳузурига.
Кечиб хато-гуноҳларим,
Қабрим тўлса Нурига.*

*Ўқи, болам, қироатинг,
Руҳимга жон, мадор бўлсин.
Аллоҳимга қил тоатинг,
Раббим сендан рози бўлсин!*

*Маҳшаргоҳда сенинг учун
Ҳисоб берсам, осон бўлсин.
Тилагим шу, беғуборим,
Мукофотинг жаннат бўлсин!*

Муслима КОМИЛОВА



СУЮКЛИ АММА

...Сафаргул қайнонасига, қайнотасига суюкли келин, эрига севикли ёр бўлди.

Аммо дунё унга бир кам бўлди: аёл фарзанд кўрмади. Узоқ кутди, кўп йил кутди, бўлмади. 16 йил ўтиб, ота уйига қайтди. Унинг ақллилиги, меҳнаткашлиги тилларда дoston эди. Совчилар кела бошлади. Сафаргулнинг берадиган саволи битта эди:

– Нечта боласи бор?

У «Пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоху алайҳи ва саллам: **“Мен ва етимнинг кафили жаннатда мана бундоқ-**

миз”, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини (жуфтлаб) кўрсатдилар» (Имом Бухорий ривояти) ҳадисига кўра яшаса, фарзандсизлик унга оғир дард бўлмаслигини биларди. Аёл етимларни тарбия қилмоқчи эди.

Сафаргул кутган совчи келди. Бироқ унинг моддий аҳволи ха-

роб, тўрт нафар етим боласи “онам” деб бўзлаб қолган, кичиги ҳали иккига ҳам кирмаганди.

– Шунга тегаман, – деди у.

– У бадбашара, қоп-қора экан-ку! – дейишди.

– Болалари бор экан, – жавоб қилди аёл.

– Камбағал, ночор экан, – дейишди.

– Болалари бор экан, – такрорлади.

Дадаси розилик берди. Турмуш қурди. Етимларнинг тарбиясида эрига кўмаклашди. Эри тандир ясар, у ҳам эрига кўмакчи бўларди. Шу-шу эри билан рўзғорни бутлаб, болаларни ўқитишди, уларга иморатлар қуриб беришди.

Қиш қилич яланғочлаб келганда тандир мавсуми тугарди, аммо Сафаргул бозорда писта-қурут сотар, нима бўлса ҳам, рўзғорининг камига ёрдам бўлсин, дерди.

Кетма-кет неваралар кўрди. У бундан ўзини доим бахтиёр ҳис қилар, ҳамиша ҳаётдан мамнун эди. Эри оламдан ўтиб, ёлғиз қолди. Шундан сўнг невараларига овуниб яшай бошлади.

Ажабо, бир куни уйида гилам йўқ, яна бир кун идиш-товоқлар, хуллас, уйи шип-шийдам бўлди. Буни ўз яқинларидан ким қилаётганини билса ҳам, индамади. Кўрди, кўрмасликка олди, билди, билмаганга солди. Ўйга чўмди.

Болаларини чақирди ва эридан қолган уйни уларга хатлаб берди. Жиянларининг онасиз қийналаётганини баҳона қилди-да, тугунини кўтариб, яна ота уйига қайтди.

Кейинроқ болалари олиб кетиш учун кўп бош эгиб келишди, лекин кетмади. Аммо борди-келди қилиб турди.

Яқинда Сафаргул омонатини топширди, суйганларини йиғлатиб кетди. У менинг суюкли аммам эди!

Ўлим дардини ҳам сокингина ўтказди, бошларини сарак-сарак қилиб, жилмайишга тиришди...

Инсон сурасининг 8-оятдаги **“Таомни эса суйиб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни едирурлар”** ҳамда 11–12-оятларидаги **“Бас, Аллоҳ уларни ўша куннинг ёмонлигидан сақлар ва улар(нинг юзлари)га тароват, (дилларига) сурур бахш этар. Яна сабрлари сабабли уларни жаннат ва (эгнилари)га ипак (либослар) билан мукофотлар”** оятини ўқирканман, кўз олдимда аммам гавдаланади. Чунки у етимларга меҳрибон, сахий аёл эди.

Жамила МАҲМУДОВА,
ўқитувчи



Миссионерларнинг иши юришмайдиган жойлар

мусулмон ўлкаларидир

“Миссионер” атамаси “ташувчи”, “вазифани адо этувчи” маъноларини билдиради. Бу секта насронийлик дини бағрида жуда қадимдан илдиз отган. Кўп асрлар давомида миссионерлик салибчилар юриши ва шунга ўхшаган қирғинбарот урушлар, сиёсий ўйинлар, тарғибот-ташвиқот ишлари воситасида амалга ошириб келинади.

Ҳозирги кунда миссионерлар кириб бормаган мамлакат қолмаган. Чунки уларнинг дасти узун, тажрибаси катта, мол-мулкнинг ҳисоби йўқ, технология соҳасида ниҳоятда илгарилаб кетган. Улар асрлар давомида турли қитъаларда фаолият юритиб, бутун бошли давлатларнинг Оврупа мустамлакасига айланиб қолишига, ўзларининг азалий динини, миллий анъаналарини бой бериб қўйишига сабаб бўлган.

Миссионерлар ўз ҳаракатида муваффақиятга эришмаган жойлар ҳам бор. Бу маконлар мусулмон ўлкаларидир. Чунки мусулмонлар ҳеч қачон ўз динидан қайтмайди. Бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврида, нубувватнинг дастлабки йилларида собит бўлганини ҳам муҳтарам ўқувчи яхши билади.

Аммо миссионерлар ҳам ёпишган жойидан осонликча умид узиб кетадиганлар хилдан эмас. Улар тарғибот-ташвиқотнинг замонга мос янгидан-янги усулларини ўйлаб топадики, ўша ишларнинг тарғибот эканини уларга объект вазифасини ўтаётган халқлар тушуниб олгунига қадар, ҳатто авлодлар алмашиб кетади.

Миссионерлар хайрия ташкилотлари тузади, илм-фан соҳасида грантлар эълон қилади, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбияга ўхшаш нозик соҳаларни назоратига олади.


Миссионерликка дуч келган одам танланмайди. Олдин уларга жуда кучли таълим берилади, ўзлари “хизмат”га сафарбар қилинаётган мамлакат дини, қонунлари, урф-одатларидан малакали мутахассислар кўп йиллар давомида сабоқ беради. Шу боисдан улар билан унча-мунча одам баҳслаша олмайди.

Айнан ана шундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳам Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг диний-дунёвий билимларини янада бойитишга ҳисса қўшадиган қатор мактаблар, марказлар, мадрасалар очил-япти. Бу даргоҳларнинг олдида қўйган мақсади илм ва фақат илм – жаҳолатга қарши маърифат зиёсини тарқатмоқдир.

Бинобарин, Аллоҳ таоло: **“Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди”**, деб марҳамат қилган (*Бақара сураси, 256-оят*).

Мусулмонлар ана шу амрга амал қилиб, ҳеч кимни Исломга киришга зўрламайди, турли йўллар билан тарғиб этмайди. Зеро, Ислом динининг бунга эҳтиёжи ҳам йўқ. Мўминлар юксак ахлоқи, беқиёс илми билан барчага ўрнак бўладиги, мусулмонларни душман билиб динимизни ҳақорат қилиб юрган кимсаларнинг ўзлари янглиш йўлда эканини англаб, ана шу гўзал динимизга кириб келаётир ва бу давомий жараёндир.

Дамин ЖУМАҚУЛ



Ота – жаннат эшиги, Она – жаннат василаси



Бугун қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарига дарз кетаётгандек, назаримда. Телефон бор-ку, ота-онамга қўнғироқ қилиб, улардан ҳол-аҳвол сўраб қўйсам бўлди, демаслик керак. Чунки ҳар бир фарзанднинг оила бошлиқлари наздида алоҳида ўрни бор.

Ота-онанинг дуоларини олиб қолиш шарт. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Ота жаннатнинг ўрта эшикларидан. Хоҳласанг, уни очиб, кириб ол, хоҳласанг, зое қил, яъни юзингга қарши ёпиб ол”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Яна бир ҳадисда: **“Жаннат оналар оёғи остидадир”** (Имом Кузоғий ривояти), дейилган. Ота жаннат дарвозасига, беҳишт онанинг оёғи остига нисор қилиняптими, демак, уларнинг қадри ниҳоятда баланд.

Шу билан бирга, қариндош-уруғлар ўртасида меҳр-оқибатни ҳам мустақамлаш керак. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Албатта, Аллоҳ таоло махлуқотларни яратганда раҳм ўрнидан туриб: “Бу (қариндошлик алоқасини) узишдан паноҳ сўровчининг мақомидир”, деди. Аллоҳ таоло: “Ҳа (шундай). Сени боғлаганни боғлашимга ва сени узганни узишимга рози бўласанми?” деди. Раҳм: “Албатта!” деб жавоб берди. Шунда Аллоҳ таоло: “Ўша нарса сен-**

га бўлсин”, деди». Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Агар истасангиз, «Эҳтимол, (иймондан) юз ўгирсангиз, Ер юзида бузғунчилик қилиб, қариндошлик ришталарингизни узарсиз?! Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлаб, ўзларини қар ва кўзларини кўр қилди. Қуръонни тадаббур ила ўйлаб кўрмайдиларми? Ёки қалбларида кулф борми?»** (Муҳаммад сураси, 22–24-оятлар)ни ўқинглар”, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Боғланиши керак бўлган раҳм, Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ айтганидек, “Меросга ҳақдор бўлувчи ҳамма қариндошлар, бунда маҳрам ва маҳрам бўлмаган қариндошлар ҳам тенгдир. Амаки ва тоғаларнинг болалари ҳам боғланиши керак бўлган ҳукм остига киради, улар билан алоқани узиш жоиз эмас”.

Қози Иёз раҳимаҳуллоҳ айтади: “Умуман олганда, силаи раҳмнинг вожиблиги, уни узиш катта гуноҳ эканида ихтилоф йўқ. Лекин сила – боғланишнинг ҳам ўз даражалари бўлиб, баъзиси баъзисидан кўра улуғроқдир. Унинг энг қуйи даражаси – гарчи калом, ҳеч бўлмаса, салом билан бўлса ҳам, бегоналашиб кетишга йўл қўймаслик. Бу нарсалар имкон ва эҳтиёжга қараб ўзгаради: баъзилари вожиб бўлса, баъзилари мустаҳаб бўлади. Қариндошликнинг ҳамма кўринишларини эмас, баъзиларини боғлаган кишига ҳам “қотиъ – узувчи” дейилмайди. Агар имкони бўлатуриб қариндошлик алоқаларида нуқсонга йўл қўйса, ундай одамни “восил – боғловчи” демаслик керак”.

Аслида, силаи раҳм ҳар икки тарафдан комил суратда боғланиши лозим. Бирор сабаб билан банд ёки эҳтиёж пайдо бўлиб қолган пайтда иш уларнинг ҳолатига қараб белгиланади. Ҳар ким ўзининг имконидан келиб чиқиб, қариндошликни мустақам-



лашга ҳаракат қилади.

Шунингдек, бу нарса Аллоҳ таолонинг шариатига мувофиқ бўлмоғи лозим.

Силаи раҳм фақат зиёратдан иборат эмас. Балки у иккинчи тарафнинг ҳожати-га кўра турлича бўлиши мумкин. Имом Ибн Абу Жамра раҳимахуллоҳ айтади: “Силаи раҳмни боғлашнинг кайфияти – кўриниши бир қанча ҳолатда бўлади. Улар сирасида мол сарфлаш, мухтож бўлганида ёрдам бериш, зиёрат қилиш, ҳақларига дуо қилиш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, хушмуомалалик қилиш, зарардан ҳимоялаш кабиларни зикр қилиш мумкин. Силаи раҳмнинг умумий маъноси Аллоҳ таолога қурбат ниятида қариндошларга қодир бўлганича яхшиликлар қилишдан иборатдир.

Уламолар силаи раҳм борасида баъзи шартларни зикр этишган. Аввало, уларга ваъз-насихат қилиш ва гуноҳ ишлардан қайтариш учун бор имкониятни ишга солиш лозим. Агар сизга бегона киши ҳақида – ваҳоланки, у биродарингиз ҳисобланади – “Золим бўладими, мазлумми, унга ёрдам бер”, яъни зулмдан қайтар, дейилса, албатта, бу ишни яқин қариндошдан бошлаш афзал бўлади. Шундан кейин ҳам тўғри йўлга қайтмаса, улар билан алоқани узиш мумкин. Ноҳақ йўлда юрганлари учун уларни тарк этганингизни билдириб қўйинг. Агар ҳақ йўлга қайтишса, улар билан алоқаларни тиклаш зарур.

Аммо улар билан алоқани узган тақдирда ҳам сизнинг зиммангизда уларга қилинадиган бир силаи раҳм қолаверади. У – Аллоҳ таолодан уларни ислоҳ қилиши ва Ўз фазли билан мукофотлашини сўраб, уларнинг ҳаққига ғойибона дуои хайрлар қилиш”.

Аёллар ҳам силаи раҳмга жиддий эътибор қаратишлари зарур. Чунончи, мўминларнинг оналари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **“Насабларингизни ўрганинг, у билан силаи раҳм қиласиз. Зотан, силаи раҳм аҳлга муҳаббат, молнинг зиёдаси ва асарини ортдан қолдиришдир”** (Имом Байҳақий ривояти), деган

муборак ҳадисларига мувофиқ қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибатга риоя қилганлар.

Аёл эрининг ота-онаси, ака-ука, опа сингиллари ва бошқа барча қариндошларининг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиб, уларни иззат қилса, эҳтиром кўрсатса, меҳр-оқибатни мустаҳкамласа, эр ҳам шунга яраша муносабатда бўлади. Зотан, динимизнинг талаби ҳам шу. Ҳадиси шарифда: «Агар аёл беш вақт намозини ўқиса, бир ой рўзасини тутса, фаржини сақласа ва эрига итоат қилса, унга: “Жаннатнинг қайси эшигидан хоҳласанг, киравер”, дейилади», деб марҳамат қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, аёл эрига итоат этиш, унинг қариндош-уруғлари ўртасида силаи раҳмни мустаҳкамлаш орқали умр йўлдошининг меҳрини қозонади, ҳам савобга эришади. Энг муҳими, хотин эрига итоат этиш орқали Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига риоя қилган, Аллоҳ таолонинг буйруғига бўйсунган бўлади. Натижа эса аён: оилада ҳузур-ҳаловат, хотиржамлик ҳукм суриб, фарзандлар баркамол вояга етади.

Соҳибжон АҲМЕДОВ,

Бағдод тумани бош имом-хатиби



Соҳибжон Аҳмедов 1981 йили Фарғона вилояти Бағдод туманида туғилган.

2006 йил Қашқадарё вилояти Китоб шаҳридаги “Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юртини битирган.

2010 йил 22 декабрдан буён тумандаги “Зайд ибн Собит” жоме масжиди имом-хатиби ҳамда туман бош имом-хатиби лавозимида ишлаб келмоқда.

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Фотима учун йиғлаганлар орасида бир четдан унга маҳзун-маҳзун термулиб қолган Исмоил ҳам бор эди. Фотиманинг қалбидаги ғалаёнлар ва ғуссасининг ҳозирги даражаси ҳақида сўзлаш ҳуқуқи фақат бу ҳолатни бошидан ўтказган, бошига ёпинчиқ ташлаб, ота уйи билан хайрлашиш аламини тотган келинлардагина мавжуддир.

Фотимани бир ҳовлига туширдилар. Янги эмас. Лекин хароб ҳам эмас. Уч хонаси, бир зали, боғи бор. Боғча қаровсиз. Ҳовли (уй ва боғ) тўй олдидан йиғиштирилганига қарамасдан, кўп вақтлардан бери аёл қўли тегмагани билиниб турарди. Фотиманинг кўнгли зирқиради. Хаста, заиф, ҳолсиз бир ёш аёл кўз олдига келди. У болаларига қандай таомлар берган, ҳовлини қанчалар ораста қилган... Фақат хасталигидан боғ оёқ босолмайдиган ҳолга келган.

Аслида тўй дейиш унчалик жоиз бўлмаган бу йиғинга келган қўшнилари бирпасдан сўнг тарқалишди. Уйда фақат Одилбекнинг қариндошлари – тўрт-беш аёл қолди.

Бироздан сўнг эшикдан бир аёл ва икки бола кирди. Фотима бу хотинни икки марта кўрганини эслади. Одилбекнинг холаси. Ёнида қора қош, қора кўз, қирра бурун, чиройли, ширин икки гўдак. Янги либослар кийдирилган, сочлари таралган. Агар уларга диққат билан боққанларида юзларида изтироб белгиларини кўрмасалар, бу уларда изтироб йўқлигидан эмас, балки нотўғри қараш, яхшилаб қарамасликдандир. Одилбекнинг холаси уларнинг қўлларини тутиб олган. Фотиманинг ёнига келишди. Мулойим, аммо кўп вақт дард чеккани билиниб турадиган овозда:

– Ҳуш келибсиз, қизим, – деди.

– Ҳушвақт бўлинг, хола!

Аёл ёнидаги болаларга ишорат қилди:

– Мана, қизим, болаларинг. Аввал энаси қаради – катта онасидан кейин, ким келса шу, унинг-бунинг қўлида қолди. Қўғир-чоқдай қўлдан-қўлга ўтиб юришди бечора болалар. Энди сенга топширдик. Омонат. Шундай омонатки, кўнгиллари жаннат эшигига боғланган, бир омонатки, бошидан бир тук тушиб, жони қийналса, ҳисоби катта. Бу гулғунчаларни хоҳла яйрат, хоҳла уз. Ихтиёр сенда. Ўзинг биласан.

Буларни шикаста оҳангда сўзлаётган хоним бир ўзига, бир Фотимага ҳайрон қараётган болалар ёнига борди:

– Қаранг, болаларим, онангиз келди. Энди яхши бўлади. Қани, қўлларини ўпинг.

Ҳусайн Фотиманинг онаси эканини яхши англамади, шу билан бирга тарбия натижаси туфайли, одоб юзасидан унинг қўлини ўпди. Чекинмоқчи бўлди. Аммо янги она унинг қўлини қўйиб юбормади. Чап қўлига олгач, деди:

– Қани, сен ҳам кел-чи, Одила.

Одила холасига қаради. Фотима аввалдан тайёрлаб қўйган, рангли қоғозларга ўралган икки халтача чиқарди. Бирини Ҳусайнга берди. Кейингисидан бешлик, ўнлик бир қанча майда пуллар чиқариб, Ҳусайннинг ҳовучини тўлдирди Сўнг:

– Энди Одиланинг кўнглини оламиз, унга ҳам берамиз, – деди. Ҳусайн Одиланинг қўлидан ушлаб, секин тортди:

– Кел, синглим, сенга ҳам берадилар, – деди. Одила зўрға яқинлашди. Гўё қулоғидан судралган улоқча. Берганларини оларкан, Фотима уни кучоқлади. Олдига ўтқазди. Одила туриб, қочмоқчи бўларди. Фотима уни қўйиб юбормади.

– Мен сенинг онанг эмасманми? Нега мендан қочасан, қизим? Сени шунчалик ўзимники, десамам, нега сен онам деб учмайсан? Мана, келдим. Энди ҳеч кетмайман. Қочсанг,



хафа бўламан, онанг бўлмай қўяман. Аканг, мана, шу ерда. Кел, Хусайн, кел, ўғлим. Сен олдида ўтир, синглинг ҳам бағримда бўлсин.

Хусайн тортиниб-уялиб келди. Фотиманинг бир тиззасига ўтирди. Янги она икковини ҳам бир-бир ўпиб, бағрига босди. Болаларнинг димоғига хуш бўй урилди. Бу ҳид болаларга гўзал таъсир этди.

Бошқа аёллар аралашмасдан кузатиб туришарди. Икки етимга келар-келмас ҳадялар бериб, ўпиб, бағрига босган она билан, тиззаларида ўтирган икки гўдак ҳолати уларнинг кўзларини ёшлади.

Икки қўли билан икки гўдакни қучганча Фотима Одилбекнинг холасига қайрилиб қаради:

– Ҳали сўзларингизни тингладим. Жуда тўғри ва яхши гапирдингиз. Ишончингиз комил бўлсин, мен ҳам бу уйга уларнинг дардига чора бўлиш, бағримга босиб, қийинчиликларини кетказиш учун келдим. Сабрим етгунча тиришаман, ўз онаси бўлиш ниятидаман. Болаларга мендан нима истаган, кутган бўлсангиз, зиёда бажаришга киришаман. Дуо қилинг. Аллоҳ мени уялтирмасин, – деди. Бу сўзлар холани ва бошқа аёлларни мамнун этди. Ҳатто улардан бири ёнидаги хотинга:

– Эшитяпсизми? – деб оёғи билан енгилгина туртиб қўйди.

Бир соатлардан кейин Фотима билан болалар ўртасида самимий муносабатлар бошланди, дейиш мумкин.

* * *

Оқшомга қадар турли ўйлар билан ўзини еб битирган Одилбек оҳиста одимлар билан, истар-истамас уйга келиб, болаларга кўзи тушмасдан, ғалати аҳволда қолди. Ўзини ғариб ҳис этди. Энди бу уйда уни кулиб, югуриб чиқадиган болалар ўрнига тунд ҳолда қарши оладиган бир хотин ва ундан қўрқиб бирор бурчакка бекинадиган болалар мавжуд. Мана, ҳозирдан бу ўртада кўринишмайди. Балки холаси хафа бўлишмасин, хўрланмасин, дея ўзиникига олиб кетгандир?! Уларнинг йўқлиги, бўлса ҳам, кўзларида ёш тўла экани бу уйни қанчалар файзсиз, фароғатсиз қилиб қўйган-а, ё Раббий...

Хайрия ўлмаган, бугун бир шифохонадан тузалиб чиққан бўлсайди, нақадар гўзал

бўларди. Оҳ, нақадар, деб ўйлади. Сўнгра бу Аллоҳ тақдирига қарши, одобдан ташқари бир ўй (шайтон васвасаси) эканини ва мусулмон бундай фикрламаслигини хотирлаб, Аллоҳ таолодан афв тилади. Бундай ўйламоқдан не фойда бор эди? Бўлмайдиган ўйлар билан бошини қотиргунча, ҳақиқатга алоқадор бир нарса билан машғул бўлиш афзал эмасми?

Масалан, ўғай она кўнглини қандай олади, болаларини унинг зулмидан қандай қутқаради, қандай йўл топиш мумкин? Ўйлаши ва чора топиш керак бўлган нарсалар мана шулар эди.

Бир сигарет тутатди. Илгари чекмасди. Сўнги бир йил ичида шу заққумга йўлиқди. Бир-икки тортди. Бироз кейинроқ бир дўсти келиши керак эди. Ўзининг бу аҳволини унга билдирмаслик лозим. Зотан, тонгдан оқшомга қадар ўйлашдан ва куйган кўнгил билан Аллоҳга дуо этишдан бошқа ҳеч иш қилмади, бир луқма бўлсин таом емади. Кечгача икки қути сигаретни булғашга асло ҳаққи бўлмаган тоза ҳавога пуфлади. Ўчини ундан олди. Сабр косасини тўлдираёзган изтироб уни ўз-ўзига атрофини ўраган пашшалар таловида қўллари боғланган, бечораҳол, ғариб аҳволда кўрсатди. Бу орада холаси боққа чиқди. Уни кўриб, яқинлашди:

– Хуш келибсан! Беадад шукрки, бу иш ҳам битди, – деди. Одилбек:

– Болалар қани, хола? Нима қилишяпти?

– Ичкарида. Аналари билан ўйнаб, овуниб ўтиришибди.

Одилбек сапчиб тушди.

– Тушунолмадим?

– Аналари тиззасида ўйнаб ўтиришибди.

– Ё...

Бу ҳайрат нидоси Одилбекнинг оғзидан чиқиши баробарида кўзлари ҳам ёшланди, ғалати бўлиб кетди.

– Ҳа, ўғлим, бамаъни хонимга ўхшайди. Келар-келмас гўдакларга ҳадялар берди, ўпди, қучоқлади. Бу уйга келишдан мақсади ҳам уларга етимлик машаққатларини чектирмаслик эканини айтди. Менимча, буларни чин дилдан гапирди.

(Давоми келгуси сонда.)
Йўлдош ЭШБЕК таржимаси



Орасталикка ўргатайлик

Вояга етаётган қизларга озодалик, пандалик билан бирга орасталик сирларини ҳам ўргатиш керак. Келажакда келин бўлса, қайнонаси, қайнопа ва қайнсингиллари унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатишларини ўйласин. Танасидан нохуш ҳид келиб қолишининг олдини олишни ўргансин.

Атир сепиб, қўланса ҳидни йўқотиб бўлмайди. Аслида, “ҳидли” инсонлар ҳар куни чўмилиб туришлари кифоя. Махсус муолажалардан фойдаланишлари зарур.

Масалан, кўп терлашдан азият чекадиганлар кунига бир-икки марта мармарак (шалфей) дамласидан ичиб турсин. Бунда 1 ошқошиқ мармарак кукунига 200 грамм қайнаган сув қўшилади. Бу дахлама пешоб ажралишини фаоллаштириб, бадандаги ортиқча суюқликни ҳайдаб чиқаради.

Ёки 2 литр совуқ сувга 200 грамм мойчечак гулларини аралаштириб, оловга қўйилади. Қайнаб чиққач, 20 дақиқа тиндирилади. Дамламага 4 ошқошиқ йирик ош тузи солиб, докадан ўтказилади. Кечқурун уйкуга ётишдан аввал тайёрланган дамламини 2–3 литр илиқ сув билан аралаштириб, 15 дақиқалик ванна қабул қилинади. Мазкур усул 10 кун давомида такрорланса, тер безларининг фаоллиги сустлашади.

Шунингдек, шўр, аччиқ ва ўткир хушбўй таъмли егуликларни камайтириш керак. Бундай маҳсулотлар тер ажралишини кўпайтиради.

Одамдан ажраладиган тер аслида ҳидсиз бўлади. Аммо терлаганда бадандан

нохуш ҳид келишининг сабаби теридаги бактерияларнинг тер билан аралашиб, кислота ҳосил қилишидир. Демак, терида нохуш ҳидлар пайдо бўлишининг сабаби бактериялар ҳисобланади.

Бундай ҳиддан қутулиш учун пахта бўлагига бироз олма сиркаси шимдириб, қўлтиқ остига қўйилади ва 5 дақиқа қолдирилади. Сўнг ювиб ташланади.

Яна бир усул: қўлтиқ ости соҳасига лимон пўстини яхшилаб суриб, қуригунича кутиш керак. Бунда ҳидланиш камайиб боради.

Ванна қилишдан олдин лимон суви ва ош содасини аралаштириб, паста ҳосил қилинади ва қўлтиқ остига 5–10 дақиқа сурилади. Сўнг сув билан ювиб ташланади. Ванна олиб бўлгач, терини яхшилаб қуритиб, қўлтиқ остига ош содаси ва жўхори крахмали аралашмаси суртиб қўйилади. Бу муолажа ҳафтада 3–4 марта амалга оширилади.

Бахтли ҳаёт кечирини орасталикнинг ўзига хос ўрни бор, буни ҳеч бир аёл-қиз, умуман, мусулмон одам унутмаслиги зарур. Чунки нохуш ҳид одамларни бездиради.

Набий алайҳиссаломнинг бир ҳадисларида: **“Поклик (таҳорат) иймоннинг ярмидир”**, дея покликни иймонга боғланлари бежиз эмас (*Саҳиҳи Муслим, 223-ҳадис*).

Нигора МУҲАММЕДОВА,
услубчи-косметолог

